

А. МУҲАММАДЖОНОВ

ҚАДИМГИ БУХОРО

(Археологик лавҳалар ва тарих)

Масъул муҳаррир
УзССРЖ ФА академиги А. АСҚАРОВ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ФАҶЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЯТИ

Бухоро шаҳрининг 2300 йиллигига бағишланган ушбу рисолада археологик маълумотлар ва ёзма манбалар асосида Зарафшон водийсининг қуйи қисмида қад кўтарган Урта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири — Бухоронинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш тарихи ҳикоя қилинади. Бу ўлкада шаҳар маданиятининг шаклланиши, қадимги Бухоро урнида дастлабки пайдо бўлган деҳқончилик ва ҳунармандчилик қишлоқлари ва уларнинг туташиб ягона шаҳарга айланиши ҳамда илк шаҳарларнинг тарихий топографияси тасвирланади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори К. ШОНИЕЗОВ,

тарих фанлари номзоди Ж. МИРЗААҲМЕДОВ

М $\frac{0514000000-570}{М 355(1)-11}$ 267—91 С Ўзбекистон ССЖ
ФА «Фан» нашриёти,

ISBN 5—648—01075—3

Абдулахад Мухамеджанов

ДРЕВНЯЯ БУХАРА

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон ССЖ илмий оммабон адабиётлар таҳрир ҳайъати
томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир Х. Зарипова

Бадний муҳаррир А. Баҳромов[†]

Техмуҳаррир Н. Абдурахмонова[†]

Мусаҳҳиҳ М. Худойназаров

ИБ № 5421

Теришга берилди 29.03.91. Босишга рухсат этилди 02.07.91. Формати 84×108^{1/2} см.
Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма
т. 2,73. Ҳисоб-нашриёт т. 2,6. 7300 нуска. Буюртма 114. Баҳоси 1 с.

ЎзССЖ ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

ЎзССЖ ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, М. Горький кўчаси, 79.

МУҚАДДИМА

Бухоро—асрлар давомида улкан Шарқнинг илму маърифат ва маданият марказларидан бири сифатида жаҳонга донғи кетган қадимий шаҳар. У ўтмишда савдо-сотик, маданий алоқалар жиҳатидан Марказий Осиёнинг машҳур Балх, Ҳирот, Марв (Марий), Самарқанд, Термиз, Насаф (Қарши), Чоч—Шош (Тошкент) ва Хоразм (Хива) шаҳарлари қаторидан жой олади.

Ўрта асрларда Бухоро Мовароуннаҳрнинг йирик савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маъмурий марказларидан бири бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Ҳиндистон ва Хитой билан боғлаган қадимий халқаро савдо йўли—«Буюк ипак йўли» ана шу шаҳар орқали ўтган. Машҳур жаҳонгирларнинг зафарли юришларида ҳарб йўли сифатида ҳам хизмат қилган бу қадимги карвон йўли ўтмишда «Олтин йўл», «Шоҳ роҳ», яъни «Шоҳ йўли» номлари билан ҳам шуҳрат топган.

Бу даврда Бухоро Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда илм-фан, маърифат ва маданиятнинг марказларидан бирига айланиб, мазкур шаҳарда диний ва дунёвий илмлар (табобат, фикҳ, тарих, фаровиз, риёзиёт, ҳандаса ва ҳоказо) ривож топган. Бу ерда ўз даврининг машҳур мутафаккир олим ва адиблари Исмоил Бухорий, Абу Али ибн Сино, Наршахий, Рудакий, Дақиқий, Хўжа Боҳовуддин Нақшбандий ва бошқалар яшаб ижод этганлар. Турли даврларда бино қилинган ўнлаб мадрасаларда минглаб талабалар илм олган. XV асрда Мирзо Улуғбек томонидан Бухорода қурдирилган мадраса дарвозасига ҳатто арабча «Илм олиш ҳар бир мусулмон аёлу эркактарнинг бурчидир» деган сўзлар ўйиб битилган.

Асрлар давомида Бухоронинг донғи бутун Шарқ бўйлаб фақат илму маърифат, маданият ҳамда савдо-сотик соҳасидагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг йирик маъ-

мурий маркази сифатида ҳам таралиб келган. Тарихда бу шаҳар Қуйи Зарафшон ўлкасининг қадимги ҳокимлари—Бухорхудотлар (IV—VIII аср), Сомонийлар давлати (IX—X аср), Шайбонийлар хонадони томонидан барпо этилган Ўзбеклар давлати — Бухоро хонлиги (XVI аср), Аштархонийлар (XVII—XVIII аср), Мангитлар (XIX—XX аср боши) томонидан идора этилган Бухоро амирлиги ҳамда Бухоро Халқ Республикаси (1920—1924 йил)нинг пойтахти бўлган.

Ўз тарихи жараёнида Бухоро Ўрта Осиёда қад кўтарган кўпгина шаҳарлар сингари бир неча бор ташқи душман ҳужумига бардош берган истилочилар асорати-га тушиб, қонли жанглар майдонига ва озодлик кўзғолонлари марказига айланган. Инқирозга юз тутиб, вайрон бўлган, бироқ ўз жойидан бир қарнч ҳам силжимай қайта-қайта тикланиб обод бўлган.

Бухоро ўтмиши гарчи тарихий ва тадрижий воқеаларга ниҳоятда бой ва қизиқарли бўлса-да, аммо унинг зарварақларининг кўпгина саҳифалари бизгача тўлиқ сақланмаган. Айниқса унинг узоқ ўтмиши ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда мутлақо учрамайди. Бухоро тўғрисидаги дастлабки маълумотлар қадимги Юнон ва Рим муаллифларининг асарларида тилга олинса-да, бироқ уларда асосан шаҳар ҳақида эмас, балки улкан Суғднинг Ғарбий чекка ўлкаси хусусида сўз юритилган. Бу шаҳарнинг қисқача бўлса-да, аниқроқ тасвири илк ўрта аср Хитой манбаларида келтирилади.

Улкан кўҳна Шарқнинг илм-фан ва маърифат бобида ўзининг кўшган салмоқли ҳиссаси туфайли илк ўрта асрлардаёқ «Қуббатул ислом», «Бухорон шариф» каби сифатлар билан мусулмон оламида шуҳрат топган бу кўҳна шаҳарнинг ёши яқин-яқин кунларгача «сир» бўлиб келди. Бизнинг давримизга қадар аниқ маълумотларнинг стиб келмагани сабабли муаррихлар Бухоро шаҳрининг ёши ҳақида бирор қатъий фикрни айтмасалар-да, бухороликлар Муҳаммад Наршахийнинг айрим ривоятларини асос қилиб олиб, бу ерга келган саёҳатчиларга: «Шаҳримиз уч минг йилдан зиёд тарихга эга», деган маълумотни уқтириб келишди.

«Бухоро шаҳрининг ёши нечада?» деган жумбоқни ечиш учун кенг кўламда тадқиқотлар олиб бориш, бево-сита шаҳар ҳудудининг ўзида археологик қазишмалар ўтказиш лозим эди. Чунки илк бор қад кўтарган жойидан бир неча бор силжиган Самарқанд, Тошкент ва Қарши шаҳарларидан фарқли ўлароқ, Бухоро гарчи

жамки тақдирий фалокатлар ва тарихий фожналарни бошидан кечириб, ҳатто 1220 йилда Чингизхон қўшинлари томонидан батамом ер билан яксон қилиб ташланган бўлса-да, аммо маълум муддатдан сўнг қайта-қайта қаддини ростлайверган. Шаҳарнинг мана шундай қисмати оқибатида унинг остида қалнин маданий қатлам ҳосил бўлган. Асрлар оша унинг бағрида сақланиб келаётган бу қатлам моддий-маданият қолдиқлари эса тадқиқотчилар учун Бухоронинг узоқ ўтмишини ёритиб, унинг ёши ҳақидаги муаммони ечиб берадиган жуда бой ва ягона тарихий манбага айланган.

Бу тарихий шаҳар рўйнамани остидаги маданий қатламларни кавлаб очиб, унинг қадимий моддий-маданият изларини ўрганишга булган қизиқиш тадқиқотчилар ўртасида қанчалик ортиб бормасин, аммо унинг остки қатламларини қазиб тадқиқ этишга ҳар ким ҳам муяссар бўлавермади.



Археологик қазишма. Мирараб мадрасаси яқинида. 1977 й.

Авалло Бухоронинг қадимги қисми ҳисобланган эски маҳаллаларда жойлашган зич ҳовли-жойлар ва тарихий обидалар кенг кўламда археологик қазишмаларни амалга ошириш учун имкон бермади. Қолаверса қазиб очилган ерлардаги ер ости сизот сувларининг отилиб чиқиши унинг остқи қатламларини кавлаб очиш учун тўсқинлик қилди.

Бухорода дастлабки олиб борилган археологик тадқиқотлар 30-йиллардаёқ бошланган эди, ўша пайтдаги

қазиш ишлари шаҳардаги айрим монументал меъморий обидаларни тадқиқ қилиш, уларни таъмир этиш билан боғлиқ эди. Уша вақтларда Мағоки Атторий масжиди яқинида қазишмалар олиб борган тадқиқотчи В. А. Шишкин ҳам, сўнгра 50-йилларда Миноран Калон пойдеворини қазиб очган археолог С. Н. Юренев ҳам ер ости сувтарини булоқдек қайнаб чиқиши оқибатида шаҳарнинг қадимги саҳнигача кавлаб ета олмаганлар.



Академик Я. Ғуломов археологик қазишма иштирокчилари даврасида, 1974 й.

60-йилларнинг охирига келиб академик Я. Ғуломов раҳбарлигида махсус археологик экспедиция ташкил этилди, у Бухоро шаҳри ҳудудида ҳам кўп йилларга мўлжалланган мунтазам археологик қазиш ишларини уюштирди. Даставвал 1970—1974 йилларда, сўнгра 1977—1980 йилларда Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги бир неча жойда кенг кўламда археологик қазишмалар ўтказилди. Бу вақтда замонавий техника воситалари билан қуролланган археологлар гуруҳи янги усул ишлаб чиқишди. Эндиликда, одатдагидек майда қудуқлар эмас, аксинча катта ер майдонларида сурункасига қазишмалар амалга ошириладиган бўлди. Аҳоли зич жойлашган бугунги Бухорода қазишмалар учун очиқ майдонлар излаб топилш ҳам осон кўчмади. Ниҳоят, сайёҳларга ҳам яхши таниш бўлган обидалар— «Зиндон» музей-қўриқхона, Масжиди Калон ва Мираб мадрасаси, Тоқи Заргарон ва Абдуллахон тими ўртасида жойлашган майдонлар, 11-13 га тенг қадимий

Шаҳристон ҳамда Арkning ялангликдан иборат шарқий қисми маъқул топилди.

Бу участкаларда юқори аралаш қатламлар экскаваторлар ёрдамида, остқиси эса фақат белқурак ва кетмонлар воситасида қарийб 20 метр чуқурликда бир нечта улкан хандақлар қазилди, сизиб чиққан ер ости сувлари насослар ёрдамида сўриб олинди. Хандақларнинг лаблари айрим участкаларда ўпирилиб, минглаб тонна тупроқ қазилма майдонларини босиб қолишига қарамай, деярли ҳамма қазилма участкаларида Бухоронинг ботқоқлик устида ҳосил бўлган қадимги руйзаминини қазиб очишга эришилди. Унинг бу она тупроғи устида асрлар давомида баъзи жойларида 14 метр, баъзи участкаларида эса 20 метр қалинликда маданий қатлам вужудга келгани аниқланди. Ундан топилган хилма-хил археологик топилмалар шаҳар ҳаётининг турли тарихий даврларига мансуб бўлиб, улар шаҳарнинг пайдо бўлишидан то асримизнинг бошларига қадар бўлган тадрижий тараққиётини намоён этди.



Тоқи Заргарон яқинида. 1974 й.

Бухоро ва унинг вилояти бўйлаб археологик обидаларни тадқиқ этишда Я. Ғ. Ғуломов, В. А. Шишкин, А. Асқаров, У. Исломов, М. Р. Қосимов, И. Аҳроров, Т. Мирсоатов, О. В. Обельченко, С. К. Кабанов, В. Д. Жуков, Г. В. Шишкина, Х. Дуке, Ж. Қ. Мирзааҳмедов, П. Валиев, Г. Дадабоев, У. Олимов, Ш. Т. Одилов, Г. Л. Семенов сингарин олимларимизнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди. Улар томонидан йиллар давомида муттасил олиб борилган археологик тадқиқотлар ўз самарасини берди, албатта. Ўлканинг қадимги табнати, аҳолиси ва унинг яратган ўзига хос маданияти ўзлаштирилиб, обод этилиши ҳамда унда ибтидоий чорвачилик ва деҳқончилик хўжаликларининг шаклланиши, шунингдек катта-кичик қишлоқ ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши тарихига оид бой маълумотлар тўпланди. Шубҳасиз, бу маълумотлар Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиши тарихининггина эмас, балки Зарафшон водийсида урбанизация жараёнини вужудга келиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда ҳам асосий манба бўлиб хизмат қилади.

АМУДАРЕГА ҚУЙИЛГАН ҚАДИМИЙ ЗАРАФШОН

Қадимда Мисрда «Нилнинг ҳадяси» деганларидек, Бухоро воҳасини ҳам Зарафшон дарёсининг инъоми деса бўлади. Чунки дарё адоғида жойлашган бу ўлканинг ўзи, авваламбор. Зарафшоннинг минг йиллар давомида оқи-зиб келган лойқа ётқиқиқлари туфайли вужудга келган. Унинг тошқинларидан ҳосил бўлган сон-саноқсиз ирмоқлар, кўл ва кўлмаклар эса воҳа табиатининг шаклланиши ва унинг ўзлаштирилиб обод этилишида ҳаётбахш роль ўйнаган.

Маълумки, музликлар даври тугаб, об-ҳаво илий бошлагач, Туркистон, Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмаларининг кифтини қоплаб ётган қалин музликлар, абадий қорликлар эриб, улардан ҳосил бўлган улкан тошқинлар Зарафшон дарёси бўйлаб ниҳоятда ҳайқириб оққан. Унинг ўша замонлардаги ҳайқирган тошқинлари, шубҳасиз афсоналарда тасвирланган «Нух тўфони» ни эслатган. Уша замонларда Зарафшон ўз водийсида ниҳоятда кенг майдон бўйлаб ёйилиб оққан. Унинг ўнг қирғоғи ҳозирги Самарқанд вилоятида Пайариқ ва Хатирчи адирларини, сўл қирғоғи эса Пастдарғом ва Каттақўрғон қирларини ювиб ўтган. Бу катта оқимнинг бирор томчиси ҳам Зарафшон водийсининг юқори ва ўрта қисмларида на деҳқончилик, на ободончилик учун сарф бўлмай, у ҳозирги Навоий шаҳри яқинида тор Хазора дарбандини ёриб ўтиб, конуссимон Бухоро воҳасига оқиб кирган. Бухоро воҳасида у қадимги Хитфар (Вобкентдарё), Рудизар (Шаҳруд), Қорақўлдарё, Мохондарё ва Тайқир каби бир нечта тармоқлар ҳосил қилиб, бутун воҳа бўйлаб ёйилиб оққан. Уша замонларда ҳозирги Бухоро вилоятининг водий қисми Зарафшоннинг тошқин сувларидан ҳосил бўлган кўл ва ботқоқликлардан иборат бўлиб, улар қалин бутазор, чакалакзор ва тўқайзорлар билан қопланган.

Бухоро воҳасининг бу қадимий табиий манзараси Х асрда яшаган вобкентлик тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида қуйидагича тасвирланади: «Ҳозирда Бухоро (ўрнашган) бу мавзе, (нлгари) ботқоқлик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган, айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирон ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган. Бунинг сабаби шуки Самарқанд томонидаги вилоятларда тоғларда қор эриб, суви (оқиб келиб) ўша жойга йиғилиб ётар эди.

Самарқанд томонида бир катта дарё борки, унинг «Руди Мосаф»—«Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йиғилган, у бир талай ерларни ювиб, ўпириб, лойқаларни суриб келган ва натижада бу ботқоқликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди, лойқаларни то Битик ва Фаробгача суриб келтира берди. Сўнг сув (тошиб келиши) тўхтади, Бухоро ўрнашган жой (аста-секин) тўлиб, текис ерга айланди ва шундай қилиб у катта дарё Сўғд ва бу (лойқалар билан) тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди»¹.

Айни ўша замонларда ҳозирги Қоракўл ва Олот ноҳиялари ўрнида улкан кўл бўлиб, унга бир томондан Қашқадарёнинг, иккинчи томондан Қоракўлдарё орқали Зарафшон дарёсининг сувлари қишин-ёзин мутасил қуйилиб турган. Ўрта аср ёзма манбаларида бу кўл «Бухайрайи Сомжан» (яъни, Сомжан денгизи), «Баҳр ул-Бухоро» (яъни, Бухоро денгизи), «Боргини Фарроҳ»—«Кенг ҳавуз», «Мовозаи Бойканд», яъни Бойканд яқинидаги кўл каби бир нечта атамалар билан тилга олинади. Турклар уни «Денгиз» ёки «Қоракўл» деб юритишган. Бу кўлнинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 20 фарсанг, яъни 120—140 км га тенг бўлган. Бухоро денгизи ва Бойкандкўл номлари билан шуҳрат топган бу кўлнинг шимолий қирғоғи Шибурдонота баландликларига туташган Замонбобо адирликларига, жанубий қирғоғи Денгизкўлнинг жануб соҳилларига, шарқий қирғоғи Пойканд-Тайқир қирлари орқали Қарши даштига, ғарбий қирғоғи эса Олот текисликлари орқали Урганжий даштига—Қизилқумга туташиб кетган. Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, бу кўл сув жониворларига ниҳоятда бой бўлиб, бутун Хуросон музофотида бу ердигдек кўп миқдорда парранда ва балиқлар тутилмаган.

¹ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1966, 15-бет.

Голоцен даврида, яъни милоддан аввалги XII—X минг йилликда тектоник ҳаракатлар оқибатида Пойканд-Қорақўл массиви бирмунча кўтарилади. Зарафшоннинг ҳайқириб оққан қадимий оқими Бухоро воҳасида дамлашиб, ҳозирги Яккатут яқинида Моҳондарё ва Гужайли ўзанлари бўйлаб Қизилқумнинг ичкарасига томон уриб кетади. Бу икки қадимий ўзан бўйлаб у Чуқурқўл, Моҳонқўл, Ўртақўл, Чандирқўл, Замонбобо, Кичиктузкон, Каттатузкон, Лўхли, Оғачуюқ, Қандирли, Қайиқли, Қурбонбой, Раҳматбобо, Кичикпорсон, Каттапорсон ва Эчкиқиром каби бирқанча қўллар занжирини ҳосил қилади. Сўнгра 150 км масофада бутун Урганжий даштини кесиб ўтиб, Оқрабод ва Нарғизқалъа деган жойларда **Амударёга бориб қўйилади**. Қадимда Зарафшонни Амударё билан туташтирган Моҳондарёнинг сувсизликдан кейинчалик қуриб қолган кўҳна ўзанлари ҳозирги вақтда тамоман қуруқ ва усти пўрсиқ шўр ҳамда атрофи юлғун босган қўллар орасида деярли билинмай кетган бўлса-да, аммо чўл бағрида, хусусан, барханлар остида жуда яхши, сақланган. Баъзи жойларда унинг кенлиги 30, чуқурлиги эса 1,5—2 метрга боради. Моҳондарёнинг ўзанларидан бири Амударёнинг ўнг қирғоғига жойлашган XI—XII аср ёдгорлиги Нарғизқалъа яқинида тўртта арнага ажралиб, дельта ҳосил қилади ва чуқур ҳамда кенг жарликлар орқали Амударёга бориб туташади. Жарликларни маҳаллий аҳоли «сувлот» деб атайдди. Улардан биринчиси Охурсувлот, иккинчиси Жилғиндисувлот ёки Юлғунлисувлот, учинчиси Шўрсувлот ёки Ойхонсувлот, тўртинчиси Сувлисувлот ёки Дигисувлот номлари билан машҳур. Бу сувлотларнинг эни 75—125, чуқурлиги эса 15—20 метрга тенг.

Моҳондарёнинг яна бир ўзани Нарғизқалъадан 18 км жануби-шарқда жойлашган Оқрабод мавзеи яқинида Шўрётқ, Сарибой, Поянда, Қумсувлот ва Жарсувлот каби бешта тармоққа бўлиниб, у ҳам Амударёга бирлашади.

Шубҳасиз, Моҳондарёнинг кучли оқимлари натижа-сида Амударёнинг баланд ва мустаҳкам қирғоқлари ювилиб ҳосил бўлган бундай чуқур ва кенг жарликлар қачонлардир узоқ ўтмишда Зарафшон сувларининг Жайхунга томон қанчалик шиддат билан оққанлигидан гувоҳлик берибгина қолмасдан, балки бу икки дарё алоқаларининг қадимги нйшони—осорул атиқасига айланган.

ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОДИЙСИДА ИБТИДОИЙ МАДАНИЯТ ИЗЛАРИ

Кейинги 35—40 йил давомида Зарафшон водийсида, хусусан унинг қуйи қисмида кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу ўлка ва уни тўрт томондан ўраб турган даштликнинг табиий-географик шароити қадим замонлардан бошлабоқ ибтидоий одам тўдаларининг яшаши учун жуда қулай бўлган. Топилиб текширилган тош асри ёдгорликлари, қайд этилган соп-саноқсиз тош қуроллардан иборат топилмаларнинг географияси шуни кўрсатадики, узоқ ўтмишда одамлар асосан тоғ ён бағирлари, сой-жарликлар ёқалари ҳамда тоғ этакларида, ер қобиғининг тектоник ёриғларидан қайнаб чиққан булоқлар атрофида яшаганлар. Чунки бундай жойларнинг табиати, хусусан ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлиб, ов қилиш учун қулай бўлган. Қазиб ўрганилган ўрта палеолит (ўрта тош асри) ёдгорликларининг маданий қатламларида қайд этилган турли хил ёввойи ҳайвон суякларини қолдиқларига қараганда ўша даврларда Зарафшон водийсида фил, қўнғир айиқ, сиртлон (гиена), ёввойи буқа, булон (буғу), қулон (ёввойи эшак), тоғ эчкиси, осие муфлони (архар) сингари турли хил ов ҳайвонлари ҳамда турли-туман паррандалар яшаган. Шу сабабли бу ўлка тош асри ибтидоий овчиларининг диққат-этиборини ўзига жалб қилган. Шунинг учун ҳам тош даврининг ибтидоий маданият излари кўпроқ Бухоро воҳасининг шарқий томонида — Қоратоғ ва Зарафшон тизмаларининг этакларида топилиб ўрганилди. Водий бўйлаб қайд этилган Омонқўтан, Гўрдара, Самарқанд, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Учтут, Воуш, Ижонд ва бошқа ўрта палеолит даврининг мақоилари бунинг ёрқин далилидир.

Зарафшон водийсининг тоғлиқ ноҳиялари ибтидоий кишилар яшаши учун қулай овлоқ жойлар бўлибгина қолмасдан, балки ўша даврнинг тирикчилик воситаси — тош қуроллар ясашда асосий хом ашё манбаи бўлиб ҳам ҳисобланган. Чунки тоғнинг тошли қатламларидан чақмоқтош бўлақлари синдириб ёки ковлаб олиниб, улардан ҳар хил тош қуроллар ясашган. Тадқиқотчи Х. Муҳамедов томонидан 1958 йилда Навоий шаҳридан 22—25 км шимоли-шарқда топилган, аввал М. Р. Қосимов, сўнгра Т. Мирсоатовлар томонидан ўр-

ганилган Учтут Урта палеолит даври макони ва тош қуроллар яшаш устахонаси тош даврининг нодир обидаларидан ҳисобланади. Хом ашё Қоратоғнинг чақмоқ тошли яланғоч кифти ва ёнбағирларидан, даставвал тоғ тизмаларидан синдириб, сўнгра кавлаб олинган. Тоғ ёнбағри ва макон теварак атрофларида сочилиб ётган сон-саноқсиз чақмоқтош бўлаклари, ярим ишлов берилган хомаки ҳамда турли хил тош қуроллар қадимги кончи ва қуролсозларнинг меҳнат фаолияти изларидан далолат беради. Тош қуроллар орасида ҳар хил найзасимон, пичоқсимон тош парраклари, кесгич ва санчқилар ҳамда кўллаб тош учириндилари кўзга ташланади. Кўнғир ва кулранг чақмоқ тошлардан ясалган қуролларнинг аксарияти тошга ишлов бериш ва қурол яшаш техникаси жиҳатидан Зирабулоқ, Қўтирбулоқ, Омонқўтон каби мустъе даври маконларидан топилган тош қуролларга ўхшаб кетади. Учтут ёдгорлиги даври жиҳатидан кўп қатламли бўлиб, остки қатламлари мустъе, юқори палеолит ва мезолит давриларига, устки қатламлари эса неолит — янги тош даврига мансубдир. Шундай қилиб, Зарафшон водийси бўйлаб топилиб тадқиқ этилган ўндан ортиқ тош асри ёдгорликлари бу ўлкада одамлар қадим замонлардан бошлаб яшаб келганидан гувоҳлик беради.

Бухоро воҳасини шимол ва шимол-шарқ томондан ўраб турадиган Қўлжўқтов, Сувсизтов, Оқтоғ ва Қоратоғ ёнбағирларидан оқиб тушган катта-кичик сойларнинг қадимги қуруқ ўзанлари маҳаллий аҳоли ўртасида Эчкиликқум, Дашти Урганжай номлари билан шуҳрат топган. Қизилқум бўйлаб ёғин-сочишлардан ҳосил бўлган сон-саноқсиз қоқлар² атрофида, шунингдек Вобкентдарё, Мохондарё, Гужайли ва Гурдуш ўзанларининг қадимги дельталаридаги ёпилмаларнинг тақирлари устида ҳар томонга сочилиб ётган мезолит (милоддан аввалги XII—VII минг йиллик) ва неолит (милоддан аввалги V—III минг йиллик) давриларининг микролит (майда тош) қуролларига қараб фикр юритилса, Бухоро воҳасида мезолит ҳамда неолит давриларидан бошлаб ҳаёт анча гавжумлашган. Шуҳбасиз микролит қуроллар беҳад сочилиб ётган ерлар ибтидоий овчи ва балиқчи қабилалар яшаган макон ва манзилгоҳларнинг ўрни бўлиб, афсуски бу узоқ ўтмиш ёдгорликларининг маданий қатламлари асрлар ўтиши

² Даштларда қор ва ёмғир сувлари жилғасидан ҳосил бўлган кенг, лекин саёз кўллар (халқоб).

билан шамол эрозияси натижасида емирилиб, кўҳна тураржойларнинг аксариятидан ному нишон қолмаган.

КАТТАТУЗКОННИНГ НЕОЛИТ ДАВРИ ОВЧИ ВА БАЛИҚЧИЛАРИ. ДАРВОЗАҚИРЛИКЛАР ЧАЙЛАСИ

Маълумки, 50—60 йилларда Я. Гуломов раҳбарлигида махсус археологик отряд қачонлардир қадим замонларда Зарафшон сувларини Амударёга элитган Мохондарё, Гужайли ва Гурдушларнинг қуриб қолган қадимги ўзанлари бўйлаб кенг кўламли археологик тадқиқотлар ўтказди. Ўша йилларда топилган қатор археологик ёдгорликлар орқали Зарафшон сувларининг ҳайқириб бу қуруқ ўзанлар бўйлаб Амударёга томон оққанлигини, сўнгра аста-секин оқим сусайиб оқишдан тўхтаб қолганлиги ва ниҳоят сувсизликдан улар қуриб Амударё билан Зарафшоннинг қадимий алоқалари узилиб қолганлиги аниқланди. Шу билан бирга кўҳна ўзанлар ҳавзасига милоддан аввалги V—III минг йилликларда овчи ва балиқчи қабилалар келиб ўрнашган ва улар яратган ўзига хос маданият излари топиб ўрганилди.

1960—1963 йиллар давомида Гужайли бўйлаб Кичиктузкон атрофида 3 жойда, Каттатузкон атрофида 35, Мохондарё бўйлаб Лўхликўл ва Эчкиқирон атрофларида 2 ҳамда Пойканднинг жанубида Қашқадарёнинг қадимги қуруқ ўзани бўйлаб 11 жойда неолит даврига мансуб ёдгорликларнинг қолдиқлари топилди ва текширилди³.

Қайд этилган ва қазиниш ишлари олиб борилган қатор ёдгорликларнинг жойлашган ўринлари ва улардан топилган турли хил ашёвий топилмаларга қараганда, ҳозирги Қорақўл ноҳиясидаги Саёт қишлоқ ерлари («Октябрь» колхозини, «Тошкент» ва «Пайкент» совхозлари жойлашган ҳудудлар) ҳамда Замонбободан шимол-ғарб ва ғарбда Амударёгача туташиб кетган Гужайли ва Мохондарё ҳавзалари (бу кенг майдон шарқда Замонбобо, Кичиктузкон ва Каттатузкон, шимолда Газов, Одилқудуқ, Учбош, Қурбонбой, Раҳматбобо ва Эчкиқирон, жанубда Каптарниқуми, ғарбда Оқрабод, Наргизқалъа ва Хатар деган жойлар билан чегараланади) милоддан аввалги V—III минг йилликларда Зарафшон

³ Гуломов Я. Ғ., Исломов У., Асқаров А. Ибтидоий маданият ва Зарафшон этакларида сугориладиган деҳқончиликнинг вужудга келиши. Тошкент, 1966, 61—62-бетлар.

водийси қуйи оқимидаги энг хушманзара ва гавжум жойлардан бўлган. Ҳозирги кунда сувсиз қуруқ ўзанлар, гирди пўрсилдоқ оппоқ туз босган шўрхок ҳамда оғир қумлик ва текис тақирликлар билан қопланган дашт манзарасидан мутлақо фарқ қилган бу қадимги воҳа ўша замонларда ниҳоятда серсув бўлиб, табиат дунёси ҳам бой бўлган. Воҳа ва унинг теварак атрофи қалин бутазор, чангалзор, жийдазор ва тўқайзорлардан иборат бўлган. Уларга тутшиб кетган поёнсиз даштлик ва қумликлардан иборат яйловлар ҳам улар атрофини қамраб олган. Мохондарё ва Гужайли тошқинларидан ҳосил бўлган кўл, ботқоқликлар ва қалин чангалзорлар турли хил жониворларга сероб бўлган. Дарё ва кўл ёқаларидаги сувлотлар теварак-атрофи турли хил ёввойи ҳайвон подалари тўпланиб сувлайдиган овлоқ ерлардан иборат бўлган.

Ҳозирги замонда оғир барханли қумликлар билан қопланган бу қадимги ўлканинг табиий шароити қулай бўлгани сабабли бундан 6—7 минг йил муқаддам бу ерларда Бухоро ва Қорақўлнинг энг қадимий аҳолиси яшаган. Бу аҳоли на чорвачилик, на деҳқончилиكنи касб этишни билмай, фақат овчилик ва балиқчилик билан кун кечирган. Бухоро-Қорақўлнинг бу қадимги овчи-балиқчилари чакалакзорлардан устун, сарров, тўсин ва синчбоп дарахтлар қирқиб, тўқайзорлардан қамишлар ўриб, дарё бўйларини ва кўл соҳилларида улкан чайлалар бино қилганлар ва уларда катта патриархал оила бўлиб яшаганлар. Бундай чайлаларнинг қолдиқлари У. Исмоилов томонидан 1961—1963 йилларда Қорақўл ноҳияси марказидан 40 км шимоли-ғарбда Каттатузконнинг шимолий соҳилида Дарвозақир деган жойда топиб текширилди.

Қуйи Зарафшонда қайд этилган 40 дан ортиқ неолит ёдгорликларидан фақат иккитасидагина маданий қатламлар излари сақланиб қолган ҳолос. Бошқаларида қатламлар шамол эрозияси оқибатида нураб битган. Дарвозақир I ва Дарвозақир II ёдгорликларида олиб борилган қазинишларидан маълум бўлишича, маданий қатламлар тоза кўчма қум қатламлари билан алоҳида-алоҳида ажралиб турган лойқа ётқизиқлар устида ҳосил бўлган. Ҳар бир қатламни синчиклаб ўрганиш натижасида авваламбор, Гужайли оқимининг қадимги ҳолати ва Каттатузкон кўлидаги сув сатҳида содир бўлган ўзгаришлар, қолаверса бу сув манбаи билан боғлиқ бўлган қадимий овчи-балиқчиларнинг ҳаёти ва

улар яратган ўзига хос ибтидоий маданиятнинг кўп томонлари аниқлаб олинди.

Каттатузкон соҳилида тақрр устида ҳосил бўлган Дарвозақир—I маконининг учта маданий қатламлари уч қават тоза ва зич қум қатламлари билан қопланган. Қатламларнинг бундай ҳолати шубҳасиз неолит даврида Каттатузконда сув сатҳи бир хилда бўлмай, балки у доимо ўзгариб турганидан далолат беради. Фикримизча, ҳар бир маданий қатлам устидаги тоза қум қатлами Каттатузконнинг суви батамом қуриб ёки ниҳоятда пасайиб кетиши оқибатида балиқчилар ўз маконларидан кўчиб кетган вақтларида шамол учириб келтирган кўчма қумлардан ҳосил бўлган. Қум қаватлари билан алмашиб турган маданий қатламларга қараб ҳулоса қилинганда неолит даврида дарвозақирликлар ўз маконларини уч марта ташлаб кетганлар, сўнгра яна ўз жойларига қайтганлар.

Дарвозақир—I маконида қазинмалар олиб борилган вақтда унинг саҳнидан тўртбурчак шаклдаги чайла ўрни кавлаб очилди. Чайланинг катталиги 7x11.6 м, саҳни 81 кв м га тенг. Сичкор бу иморатнинг гирдини белгилаб, тархини аниқлашда тақир бетида сақлашиб қолган устун ва сичлар учун уйилган чуқурчалар жуда кўл келди. Чайла саҳнининг марказида икки ва тўрт бурчагида тўртта устунлар ўриятилган каттароқ чуқурчалар, гирди бўйлаб сичлар учун кавланган кичикроқ чуқурчалар тақир устида жуда яхши сақланган. Чайланинг томи тўрт нишабли тарзда ёпилган, эшиги шарқ томонда бўлиб, у кўл томонга қараган.

Чайла ташқарисида гирди ёғиндан бирмунча қизарган бир неча ўчоқ ўрнлари бўлиб, у қум остида қолиб кетган. Ўчоқлар атрофида ҳамда чайла ичида оқ, сарғимтил-оқ, қизғиш-қўнгир рангли чақмоқ тошлардан ясалган қуроллар, сопол идиш бўлаклари, ов қилиб истеъмол этилган балиқ, парранда ва турли хил ёввойи ҳайвонлар суяклари сочилиб ётарди. Тош қуроллари орасида ўқ-ёй пайконлари, камон ўқлари ва ўроқ дасталари ясашда ишлатиладиган ўроқ рандалар, ҳайвон терисини ишлаш, ошлаш ва улардан кийим-бош, ёпинчиқ, тўшак ҳамда чориклар тикишда кенг фойдаланиладиган пичоқсимон кесгичлар, турли хил қирғичлар, тешгич ва сўзанлар, синган сопол идишларни чегалашда, мунчоқ ва маржонларни тешишда ишлатиладиган пармачалар, нефрит тошидан ясалган пона ва болтачалар, ўроқ тишларининг қадамлари, кўпдан-кўп майда тош учиринди ва бўлакчалари бор. Ҳар бир тош

қуролни қандай асбоб сифатида ишлатилганини аниқлаш учун минглаб топилмалар икки кўзли микроскоп остига қўйилиб, уларнинг тифларида билинар-билинмас сақланиб қолган иш жараёнининг излари синчиклаб тадқиқ этилди.

Топилмалар орасида сопол идиш бўлаклари ниҳоятда кўп бўлиб, аксариятининг сиртига ботирма чизиқли нақшлар тортилган. Нақшлар ҳам ўзига хос ва бирмунча бой. Улар горизонтал, тик, диагональ тортилган тўлқинсимон, қўш чизиқли, учбурчак, ромб, трапеция, бошоқсимон, тароқсимон сингари турли хил шаклларга эга. Сопол идишларнинг туби тухумсимон ёки думалоқ шаклда ишланган. Улар қозиқ ёки чайла устунларига осиб қўйишга мўлжалланган. Сопол идишлар 3—4 литр ҳажмда суюқлик сақланадиган хўқача, хурмача, қозон ва товоқлардан иборат. Уларда шубҳасиз, овланган балиқ, парранда ёки турли хил ёввойи ҳайвон гўштларидан шўрва қайнатилиб, истеъмол қилингани эҳтимолдан узоқ эмас, албатта. Қизилғи шундаки, Каттатузкон атрофида ҳамда Дарвозақирда топиб ўрганилган сопол идишлар ва уларнинг сернақш бўлаклари Зарафшон водийсида касб этилган илк кулолчиликнинг маҳсули ҳисобланади. Чунки неолит даврига қадар бу ўлкада ҳали сополсозлик кашф этилмаган эди.

Археологик топилмаларнинг таҳлили шунини кўрсатадики, неолит даврида Дарвозақир I—II маконларида истиқомат қилган қадимги аҳолининг иқтисодий ҳаётида овчилик, хусусан балиқ ови хўжалик юритишнинг асосий манбаи ҳисобланган. Бу хўжалик билан бевоқиф боғлиқ бўлган микролит тош қуроллар яшаш технологияси юқори даражада бўлиб, ҳатто улар тошни пармалаш, хирпалаб тиф чиқариш, микролит қадамаларни дасталарга ўтказиш, ўроқ, пичоқ, арра каби маҳсул қуроллар яшаш техникасини мукаммал билганлар.

Хуллас Қўйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларидан, Дарвозақир I—II, Катта-кичиктузконлар, Эчкиқирон, Каптарниқуми, Қоронғишўр, Қизилқир, Пойканд, Қумсултон ва бошқа кўпгина ёдгорликлардан топилган ашёвий қолдиқларни чуқур ўрганиш ҳамда Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Уралбўйи ва бошқа жойлардан топиб тадқиқ этилган неолит даври ёдгорликлари топилмаларига қиёслаш натижасида шу нарса маълум бўлдики, Каттатузкон соҳилларида яшаган қадимги овчи-балиқчи аҳолидан сақланиб қолган моддий маданият излари қадимги Хоразм тупроғида Амударё этак-

ларида С. П. Толстов томонидан кашф этилиб, ўрганилган машҳур «Қалтаминорликлар маданияти»га мансуб бўлиб, улар милоддан аввалги IV—III минг йилликлар билан саналади.

УЧТУТ КОНЧИЛАРИ ВА СУНГГИ ТОШ ДАВРИ ШАХТАСИ

Қуйи Зарафшонда ибтидоий маданият излари тасвирланар экан, унинг асоси ҳисобланган тош қурооллар яшаш техникасини асрлар давомида юқори сифатли хом ашё—чақмоқтошлар билан таъминлаб турган кўҳна тош конлари — «сангбур»лар ҳамда улардан керакли миқдорда хом ашёни кавлаб олиб қуроолсозларга муттасил етказиб берган қадимги кончилар фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Маълумки, Зарафшон этакларида қайд этилган тош қурооллар ниҳоятда сифатли оқ ва сарғимтил-оқ халцедон, нефрит ва опаллардан ясалган. Бундай тошлар кўпроқ марказий Қизилқумда Олтинтов ва Букантов қатламларида учрайди. Қуроолларнинг маълум қисми оч-жигарранг ва кулранг чақмоқтошлардан ишланган. Бундай тоғ жинслари эса қадимдан Навоий шахридан шимолда жойлашган Учтут яқинидаги Қоратоғдан кавлаб олинган.

Учтутда, М. Қосимов ва Т. Мирсоатовнинг олиб борган қазииш ишларидан маълум бўлишича, Учтутнинг қадимги тош кони — сангбуридан фақат мустъе давридагина эмас, балки юқори палеолит, мезолит ва неолит даврларида ҳам хом ашё манбаи сифатида фойдаланилган экан. Қизилғи шундаки, янги тош даврига қадар хом ашё асосан тоғ юзасига чиқиб қолган чақмоқтош қатламларидан синдириб олинган бўлса, неолит даврига келиб ер остидан кавлаб олинган. Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, тоғнинг остки қатламларидаги асрий чақмоқтошлар очиқ майдон бетига чиқиб қолган қатламлардаги чақмоқтош жинсларига нисбатан сифат жиҳатдан юқори бўлган. Улардан исталган шаклда ниҳоятда кескир тош қурооллар ясалган. Шунинг учун ҳам қадимги кончилар ўз даврининг моҳир сангтарошлари бўлиб, чақмоқтошларнинг сифатли навларини ахтариб топиб, уларни тоғларнинг қаеридан ва қандай усулда кавлаб олишни яхши билганлар.

Учтут тош устахонаси ва сангбурида юздан ортиқ неолит даври шахтаси қайд этилиб, улардан 26 тасида қазиишлар ўтказилди. Шахталар оғзи доира ёки ворон-

касимон шаклдаги ўралардан иборат бўлиб, чақмоқтош бўлаклари кавлаб олиш натижасида туби кенгайиб камарга айланган. Баъзи 2 ёки 3 шахта чоҳларининг камарлари туташтирилиб, туннельга айлантирилган. Шахталар оғзининг диаметри 1, 5—2, чуқурлиги 3—4, тунелларнинг узунлиги 4, кенлиги 1,5, баландлиги эса 1,8 метрга боради. Шахта деворларида, айниқса бел қисмларида диаметри 2—3 см ли қозиқсимон предметнинг сурункасига бетартиб туширилган ярим доира шаклдаги ботиқ излари яхши сақланган. Излар ҳамда чоҳ тубидан топилган йирик шохли ҳайвонларнинг минераллашиб кетган шохларига қараганда, неолит даврининг шахталарини кавлашда Учтутнинг қадимги кончилари ҳўкиз, буғу каби ҳайвонларнинг шохларидан ясалган чўкич, чўт ва ўйғич каби қурооллардан фойдаланганлар. 3—4 метрли чоҳлар қазиб, уларни туннеллар билан бирлаштириб тоғ қаъридан чақмоқтош бўлаклари кавлаб олганлар. Шахталарнинг туби, камари ва туннеллардан топилган кўпдан-кўп ашёвий қолдиқларга қараганда ер қаъридан чақмоқ тош бўлақларини кавлаб, уларни тош болгалар билан синдириб олишда неолит даври кончилари қайроқ тошлардан ясалган турли хил қўпол тош қурооллардан кенг фойдаланганлар. Бу даврда ҳар бир шахта қудуғини кавлаш учун қанча вақт сарф бўлганини аниқлаш мақсадида махсус археологик экспериментал тажрибалар ўтказилди. Кон ишлари учун тош, ёғоч ва шохлардан ясалган махсус чўкич, чўт ва ўйғичлар воситаси билан ўралар қазилиб, тубидан чақмоқтош бўлаклари кавлаб олинди. Тажрибалар шунини кўрсатадики, тош чўкичлар билан чуқурлиги 170 см, диаметри 90 см ли ўра 18 соатда, шох чўкичлар билан чуқурлиги 230 см, диаметри 120 см ли чоҳ 8 соатда, ёғоч ўйғичлар билан эса чуқурлиги 235 см, диаметри 120 см ли қудуқ 7 соатда кавлаб очилди.

Ўтказилган тажриба кўрсаткичларидан маълум бўлишича, шахталар кавлашда тош қуроолларга нисбатан шох ёки ёғочдан ясалган ўйғичлар қўл келар экан. Вақт тежалиб, ишнинг унуми ҳам бирмунча юқори бўларкан. Тадқиқотчилар Учтут, Воуш ва Ижонд атрофларидан топилган қатор тош даври маконлари ва уларда қайд этилган хилма-хил тош қуроолларини Зарафшон водийсининг қуйи оқимидан топиб ўрганилган неолит даври ёдгорликларининг чақмоқтош қуроолларига солиштирар эканлар, улар ўртасида ҳам хили, ҳам ишлов техникаси, ҳатто фойдаланилган хом ашё — чақмоқтош турлари жиҳатидан ҳам жуда ўхшашлик бор

эканини қайд этдилар. Шунга асосан Учтутнинг неолит даври шахтасини милоддан аввалги V—III минг йилликлар билан санамоқдалар.

Тош асри ишлаб чиқаришининг асосий хом ашёси— чақмоқтош қатламларини излаб топиб уни кавлаб олиш мақсадида Учтутда шахталар қазиб ишга туширган неолит даври кончилар, шубҳасиз калтаминорликлар қабиласига мансуб бўлганлар. Улар Қуйи Зарафшон ҳамда Марказий Қизилқумда кенг тарқалиб, овчилик ва балиқчилик билан кун кечириб келган ўз қабиладошларини шубҳасиз, хом ашё билан муттасил таъминлаб турганлар. Балки улар ўртасида айирбошлаш ҳам мавжуд бўлгандир.

Шундай қилиб, Бухоро воҳасининг шарқий ҳудуди ҳисобланган Қоратоғ этакларидан неолит даврига оид шахта ва қадимги кончилар макони ҳамда устахоналарнинг топиб, тадқиқ этилиши билан Ўрта Осиёда ҳозирча ягона ҳисобланган нодир археологик ёдгорликлар комплекси кашф этилди. Бу ибтидоий кончилик қолдиқларидан топилган турли хил кўпдан-кўп ашёвий топилмалар ҳозирги кунда 5—7 минг йил муқаддам Ўрта Осиёда, хусусан жумҳуриятимиз ҳудудида илк бор тоғ саноатига асос солинганини кўрсатади. Бу осори атиқаларни синчиклаб ўрганиш билан Қуйи Зарафшонда ибтидоий маданият изларининг тарқалган ҳудудлари белгиланиб, Бухоро тарихи дебочасининг очиқ саҳифалари бирмунча тўлдирилди ва бойитилди.

САРМИШСОЙНИНГ ҚАДИМИЙ СУВРАТКАШ ОВЧИЛАРИ

Учтут шахтаси ва унинг атрофида археологик тадқиқотлар олиб борилар экан, қадимий сангбурдан шарқроқда — Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган Сармишсой дарасида ибтидоий маданиятнинг яна бир нодир обидаси—қоятошларга битилган петроглифлар қайд этилди. Ибтидоий тасвирий санъатнинг ажойиб намуналаридан ҳисобланган Сармишсойнинг қоятош расмлари Қуйи Зарафшонда яшаган қадимги овчиларнинг ҳаёти, эътиқоди ва маданиятини ўрганишда ўзига хос манба бўлиб, улар ўлканинг ўтмиш табиати, хусусан ҳайвонот дунёси, овчилик билан боғлиқ бўлган қадимги расм-русмлари тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

Бу ибтидоий тасвирий санъат асарлари Сармишсой дарасининг икки юзида қад кўтарган қоятошларнинг силлиқ юзасига солинган. Уларнинг асосий қисми учли

асбоблар воситасида сурункасига зарб билан ёки ўткир қиррали кескичлар воситасида чизиб ёки тарашланган. Минг йиллар оша уларнинг энг қадимий нусхалари қуёш ва шамоллар таъсирида униқиб қорайиб кетган бўлса-да, чошгоҳ ва кеч пешинларда кўзга яққол ташланади.

Қуйи Зарафшоннинг номаълум қадимги монийлари томонидан моҳирона ўйиб ёки чизиб ишланган бу жозибали тасвирий санъат обидаларининг манзараси ранго-ранг ва мазмуни ниҳоятда бойдир. Сармишсой қояларида ёввойи буқалар, шохлари атрофга буталаб кетган буғу ва булонлар, елиб бораётган тоғ такаси, оҳу, тўнғиз, бўри, қоплон, итлар ҳамда бир-бири билан олишаётган турли хил ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, шунингдек, овчилар ва ов манзаралари ҳам тасвирланган. Улар ўзининг сермазун ва жозибалилиги билан ажралиб туради Сармишсойнинг чап соҳилидаги қоялардан бирида белига садоқ (ўқдон) тақиб олган ва қўлида камон тутган овчининг бўксасидан ўқ еган така томон югуриб бораётгани, така эса яраланганига қарамай жон-жаҳди билан қочиб кетаётгани ҳолатлари ифода этилган. Яна бир расмда овчи ола буқанинг олдида туриб камондан ўқ узмоқда. Овчилардан бири тўнғизни уриб йиқитган. Овда сайёдлар билан бир қаторда қатнашган този итлар тасвирланган манзаралар ҳам намойиш қилинган. От чоптириб кетаётган чавандознинг ёки олис-олисларга йўл олган туя карвонларининг тасвирлари айниқса диққатга сазовордир.

Шуни таъкидлаш ўринлики, бу тасвирий санъат ёдгорликларида қадимги овчи қабилаларнинг овчилик билан боғлиқ бўлган меҳнат фаолиятларигина эмас, балки уларнинг сураткашлик маҳорати, айниқса бу хўжалик билан боғлиқ бўлган ҳаётий мушоҳадалари, ижодий маҳоратлари ҳам тараннум этилган.

Бу нодир ибтидоий тасвирий санъат ёдгорликларининг тадқиқотчиси Абдужаббор Кабировнинг ёзишича, Сармишсой ҳамда Биронсой қоятош суратлари асосан овчилик ҳамда чорвачилик билан кун кечирган қадимги чорвадор қабилаларнинг тасвирий санъат намуналаридан бўлиб, улардан энг қадимийси милoddан аввалги II минг йилликка мансубдир. Бу даврда ибтидоий деҳқончилик хўжаликлари шаклланиб ривожлана бошлайди. Зарафшон ва Қашқадарё водийларининг қуйи этакларига жойлашган Бухоро воҳасининг қадимий табиати — чор атрофи даштликлар билан ўралган дарё-вот адоғларининг серсувлиги, ҳайвонот ва ўсимлик

дунёсининг ранго-ранглиги, беҳад яйловларнию-сувлотлари ҳам чорвачилик, ҳам деҳқончилик хўжаликларининг қарор топишида муҳим роль ўйнаган.

ЗАМОНБОБОЛИК БОБОДЕҲҚОНЛАР МАСКАНИ

Милоддан аввалги III минг йилликнинг охирига бориб Зарафшон дарёсининг жўш уриб ҳайқирган қадимги оқими бирмунча сусайиб, Моҳондарё ўзани бўйлаб муттасил оқиб турган унинг тошқин сувлари аста-секин камайиб борган. Ниҳоят милоддан аввалги II минг йиллик давомида Моҳондарё ва Гужайли ўзанларининг қуйи қисмларига сув етмай, Каттатузкондек қадимги кўл деярли қуриб қолган. Худди шу даврдан бошлаб Зарафшоннинг Моҳондарё орқали Амударёга қуйилиши барҳам топиб, бу икки дарёнинг қадимги алоқаси бутунлай узилган. Моҳондарё ва Гужайли ўзанлари қуйи қисмларининг қуриб қолиши оқибатида бу ноҳиядаги кўпдан-кўп кўллар атрофида юлғун, қамиш ва лўҳ босган тўқайлар ичида янги тош даврдан (милоддан аввалги V—III минг йиллик) яшаб келаётган аҳолининг ўз маконларини тарк этиб, юқори оқим томон кўчганлиги кузатилади. Бу манзарани Моҳондарёнинг ҳар икки ўзанлари бўйлаб, милоддан аввалги II минг йилликка мансуб археологик ёдгорликлар ва айрим топилмаларнинг тарқалган ҳудуди чегарасидан яққол кўриш мумкин.

Бу даврда аҳоли Каттатузкондан 20 км юқоридаги Замонбобо кўли, Кичиктузкон, Каптарниқуми, Моҳонкўл ҳамда қадимги Пойканд кўли атрофларига келиб ўрнашган. Шунинг учун ҳам милоддан аввалги II ва I минг йиллик бошларига мансуб археологик ёдгорликлар ва айрим топилмалар Моҳондарё ва Гужайли ўзанларининг юқори қисми ҳамда Пойканд атрофларида учрайди. Бу ерларда бир неча йиллар давомида 30 дан ортиқ археологик ёдгорликлар топиб ўрганилди. Бу ёдгорликларнинг бир қисми ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик билан, иккинчи қисми эса чорвачилик ҳамда қисман деҳқончилик билан шуғулланган аҳолига мансуб бўлиб, улардан биринчиси милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми, иккинчиси эса шу минг йилликнинг охири ҳамда милодгача бўлган I минг йилликнинг бошлари билан саналади.

Топиб текширилган мазкур ёдгорликлар ва улардан чиққан турли хил ашёвий топилмалардан аниқланишича, бу даврга келиб қадимги бухоролик—қорақўллик-

лар ҳаётида икки янги хўжалик—ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилик шаклланиб, улар аҳоли ҳаётининг асосий тирикчилик манбаига айланган. Овчилик ва балиқчилик эса шу даврдан бошлаб иккинчи даражали ёрдамчи хўжалик бўлиб қолган. Бу, шубҳасиз, Бухоро ва Қорақўлнинг қадимги аҳолиси ҳаётида янги тарихий давр бўлиб, ўлкани аста-секин обод этиб, уни иқтисодий жиҳатдан ўзлаштиришга киришилганидан, аҳолиси эса батамом ишлаб чиқариш хўжалигига (гарчи у ҳали бошланғич ҳолатда бўлса-да) кўчганидан далолат берар эди.

Бу даврга мансуб археологик ёдгорликлар орасида Замонбобо кўлининг шимолӣ соҳилида қайд этилган ибтидоий деҳқонларнинг қабристони ҳамда кўлдан 500 м шарқда Гужайлининг қуриб қолган қадимги ўзани ёқасида кавлаб очилган тураржой харобалари айниқса диққатга сазовордир.

Маълумки, замонбоблик ибтидоий деҳқонлар қабристони 1950 йилда Я. Фуломов томонидан топилиб, 1951—1953 йиллар давомида қазиб ўрганилди. Ўз даврида Бухоронинг ибтидоий жамият тарихини ўрганиш масаласида бурилиш ясаган бу ёдгорликнинг топилиши тасодифий эмас, албатта. Унда Я. Фуломовнинг Хоразмда С. П. Толстов билан ҳамкорликда олиб борган кўп йиллик археологик тадқиқотлардан тўплаган улкан тажрибаси, айниқса қўл келган эди. Шу сабабли бўлса керак, тақир тупроғи орасидан фавқулодда топиб олинган камон ўқининг тошдан ясалган пайкони бу нодир обиданинг кашфиётига туртки бўлган. Чунки Замонбобо кўли соҳилида жойлашган бу қадимги гўристоннинг кўзга ташланадиган бирорта ҳам белгиси бўлмай, усти бир оз қумликлар билан қопланган текисликдан иборат эди. Бизнинг давримизгача қабристондаги қадимий гўрларнинг фақат остки лаҳад қисмларигина сақланиб, уларнинг гирди ҳам текисланиб, мутлақо билинмай кетган. Қабрларнинг супа ва устки гумбаз қисмлари асрлар давомида тупроқ эрозияси оқибатида емирилиб, уларни шамол ўзи билан учуриб олиб кетган. Қазиб очилган 46 та гўр қолдиқларидан 8 тасида жуфт, 28 тасида эса якка ҳолда дафн этилган жасад скелетлари қайд этилди. Ҳатто икки қабрда катталар ёнига ёш бола жасади кўмилгани аниқланди. Сақланиб қолган скелетларнинг ҳолатига қараганда жасадларнинг деярли ҳаммаси ўнг ёки чап ёни билан ёнбошлатиб, ғужанак тарзда дафн этилган.

Қазишма жараёнида эркаклар дафн этилган қабрларда асосан ўқ-ёй пайконлари, пичоқсимон тош қуроллар ва турли шаклдаги сопол идишлар, аёлларга мансубларида эса оспол идишлар билан бир қаторда жез кўзгу, упадон, сурмадон каби пардоз-андоз буюмлари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо жилвир тошлар, ложувард, феруза, ақиқ сингари тошлардан ясалган турли шаклдаги мунчоқ ва маржонлар қайд этилди. Топилмалар орасида аёл ҳайкалчаси, ховонча дасталари, олтин мунчоқ ва бошқалар айниқса диққатга сазовордир.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, бу даврда ер кавловчи меҳнат қуроллари ҳали такомиллашмаган, бундай қуроллар билан гўр қазиш ниҳоятда машаққатли бўлган. Оқибатда тор-танқис қабрларга марҳумларни букиб кўмиш одат тусини олган. Эркак мурдаларни қурол-асбоб, аёл мурдаларни эса безаклари билан, идиш-товоқларда эса емакликлар билан кўмиб дафн этиш Қоракўлнинг ибтидий деҳқон аҳлида ўша қадим замонлардаёқ нариги дунёга ишониб эътиқоди мавжуд бўлганидан далолат беради.

Бухоронинг ибтидий деҳқонларига мансуб обидаларни топиб ўрганишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олимлардан яна бири археолог А. Асқаров бўлди. У 1961 йилнинг кузида Замонбобо кўлидан 500 м шарқроқда Гужайли дарёсининг қадимги қўриқ ўзанининг ўнг соҳилида жойлашган ибтидий деҳқонларнинг тураржой қолдиқларини топиб текширди. Ибтидий деҳқонларнинг бу қадимги қишлоғи ярим ергўла ва тақир устига ўрнатилган иккита енгил чайлалардан иборат бўлиб, улардан биринчиси бизгача жуда яхши сақланган. Чунки аҳолиси томонидан ташлаб кетилгач бу тураржойлар кўчма қумлар остида кўмилиб кетган. 1961—1964 йилларда олиб борилган қазиш ишлари туфайли бу қадимги деҳқонлар қишлоғи қолдиқлари тўла қазилиб, синчиклаб ўрганилди.

Унинг умумий майдони, чайлаларнинг тархи, тузилиши, ишлатилган қурилиш материаллари, қайд этилган ашёвий қолдиқлар асосида бу ерда истиқомат қилган ибтидий деҳқон жамоасининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг айрим томонлари аниқланди. Қазиб очилган биринчи тураржой ярим ертўла шаклидаги каттагина чайладан иборат. Унинг пойдевори бир метр чуқурликда ўйиб ишланган. Чайланинг узунлиги 23,5 м, кенглиги 9 м. Чайла ичи ва атрофидаги устун ўрнатиш мақсадида кавланган чуқурчаларга қараганда,

у синчкори бўлиб, деворлари юлғун новдаларидан четан қилиб тўқилган, атрофига лўмбоз босилиб, томи қамишлар билан икки нишабли қилиб ёпилган. Бу тураржойнинг умумий майдони 170 кв м бўлиб, унда тахминан 60—65 жон истиқомат қилган Чайланинг ичи ва ташқарисида бир нечта ўчоқ ўринлари, хўжалик ўралари кўзга ташланади. Улар теварагида эса сопол идиш бўлаклари, турли хил тош қурооллар, хонаки ҳамда ёввойи ҳайвон (эчки, қўй, қорамол, кпйик, тўнғиз), парранда, балиқ суяклари, шунингдек ақиқ, ложувард сингари жилвир тошлардан ясалган мунчоқ, маржон каби тақинчоқлар, жездан ясалган кўзгу парчалари сочилиб ётарди.

Бу қадимги тураржойнинг ҳовлисидан топилган хонаки кулолчилик хумдонининг қолдиқлари, айниқса ноёб топилма ҳисобланиб, у замонбоболик ибтидоий деҳқонлар хўжалик ҳаётининг муҳим саҳифаларини аниқлаш имконини берди. Диаметри 90 см ли бу хонаки хумдон ноксимон шаклда ясаиб, ўртасида лой устунча, тепаси гумбазли, ташқариси сомонли лой билан сувалган. Бир томонида оловхонаси бўлиб, гумбазидан бир нечта дудбурон тешикчалар қўйилган.

Замонбоболик ибтидоий деҳқонларнинг бу қадимги қишлоғи Гужайлининг қуйи ирмоқларидан бири уч томондан ўраб ўтган бурунда жойлашган. Шу сабабли у шубҳасиз мавсумий дарё тошқини хавфи остида бўлган. Бундай хавфни олдини олиб, уни бартараф этиш мақсадида қароргоҳ шарқ ва жануб томонлардан махсус кўтарма банд—марза билан ўраб олинган. Дарё тошқинига қарши барпо этилган бу қадимги иншоотнинг узунлиги 10 м, кенглиги эса 2 метрга тенг. Бизга қадар у 20—25 см баландликда сақланган. Бу ўзига хос ноёб осори атиқа намуналаридан бўлиб, Бухоро воҳаси ҳудудида қайд этилган дастлабки энг қадимги сув иншооти қолдиғи эди. У шубҳасиз сув иншоотлари—бандлар воситасида дарё тошқинларини бошқариб, сунъий суғориш барпо этила бошланганидан гувоҳлик беради.

А. Асқаровнинг ёзишича, Замонбобо қабристони ва қароргоҳида топилган ашёвий қолдиқлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, улар қадимги замонбоболиклар асосан деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан кун кечирганликларидан гувоҳлик беради. Топилган кўпданкўп тош асбобларидан ҳамда сақланиб қолган жайдари арпа ва буғдой каби бошоқли ўсимлик қолдиқларидан шу нарса маълум бўлдики, улар тошқинлардан ҳосил

бўлган зах ерларда деҳқончилик қилиб, ўзлари етиштирган донлик зироатларни қадама тош ўроқларда ўриб, донларини ёрғучоқларда ёрма қилиб, арпа ёки буғдой гўжа, қўмоч, қўғирмоч ҳамда халм каби емакликлар тайёрлаганлар. Қазилардан чиққан уй ҳайвонлари суякларига қараганда, улар қадимги Гужайли воҳасига қадар тутшиб кетган кенг яйловларда эчки, қўй ва қорамол боқиб, чорвачилик маҳсулотларидан ҳам кенг фойдаланганлар. Топилган айрим урчуқ тошлар ҳамда суякдан ясалган сўзан ва игналарга қараб фикр юритадиган бўлсак, улар эчки ва қўй жунларидан ип йиғириб, кийим-кечаклар учун жун мато тўқиганлар, кигиз босиб, босма жун чакмонлар тайёрлаган бўлишлари ҳақиқатдан узоқ эмас.

Бу даврда одамлар тирикчиликдан бирмунча бўшаб, бир оз дам олиш, йиғилиб суҳбат қилиш имконига ҳам эга бўлганлар. Қабрлардан чиққан турли хил тақинчоқлар, сурмадон, қаламқош, упа-элик солинган сопол идишчалар ва жез кўзгуларга қараганда, қадимги замонбоболик аёллар эндиликда мол-ҳол ва бола-чақадан ортиб, ўзларига оро бериш учун вақт топа олганлар. Билагузук, булоқи, исирға, мунчоқ ва маржонлар тақиб қўшни ўлкаларда бирор маҳсулотга айрбошлаб олиб келинган жез кўзгуларга боқиб, бетларига упа-элик, қошу киприкларига сурмалар тортиб, ўз соҳибни хонадонларининг хизматида бўлганлар.

Қайд этилган ашёвий топилмаларга қараб фикр юритилса, замонбоболиклар жамоасида ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари, хусусан, кулолчилик, жезни эритиб ундан ҳар хил буюм ашёлар яшаш, айниқса тошни ишлаш техникаси ривож топган. Сопол идишлар асосан қўлда ясалган, нақшсиз, тухумсимон ва ясси тубли, қисман чарҳда ишланганлари ҳам учрайди. Топилмалар орасида қўшни Бактрия ёки Марғианада ясалган идишлар ёки Бадахшон ложувардидан ишланган безаклар бўлиб, шубҳасиз улар замонбоболикларнинг ўзларидан жануброқда яшаган ўтроқ деҳқон жамоалари ҳамда шимолроқда истиқомат қилувчи чорвадор аҳоли билан ҳам қандайдир айрбош савдо ва маданий алоқада бўлганидан далолат беради. Бу ёдгорликлар комплекси ўзига хос характерли белгиларига кўра тарих фанига «Замонбобо маданияти» номи билан киритилди. А. Асқаровнинг таъкидлашича, Замонбобо маданияти жанубнинг ўтроқ деҳқончилик жамоалари таъсирида шаклланган, у хонаки чорвачилик ва мотиға (кетмонча) деҳқончилиги билан кун кечирган

Бухоронинг туб маҳаллий аҳолисига мансуб бўлиб, даставвал у милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми билан саналган. Кейинчалик Сурхондарё воҳасида қадимги ўтроқ деҳқончиликнинг «Сополли маданияти»га мансуб қатор осори атиқаларнинг топилиб тадқиқ этилиши билан Замонбобо маданияти даврига бирмунча аниқлик киритилиб, ҳозирги вақтда у милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми билан белгиланмоқда. «Сополли маданияти» ёдгорликларининг сўнгги босқичига мансуб қабрлардан худди Замонбобо топилмаларига айнан ўхшаган сопол идишлар ва жездан ясалган ашёлар қайд этилади. Бу икки хил маданият изларининг биргаликда учраши, шубҳасиз Сополли маданиятига мансуб қадимги ўтроқ деҳқонлар аҳолисининг сўнгги ворислари замонбоболиклар билан бир даврда ёнма-ён яшаганликларидан ҳамда улар бир-бирлари билан яқин мулоқотда бўлганидан, қолаверса, қон-қариндош бўлиб кетганидан далолат берарди. Бундай тарихий манзарани топилмаларда қайд этилиши эса шубҳасиз Замонбобо маданияти даврига берилган дастлабки санани бирмунча ёшартириш учун етарли даражада асос бўлди.

Шундай қилиб, милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида, яъни ҳозирги кундан қарийб 3—3,5 минг йил муқаддам Бухоро воҳасининг даре адоқларида эндигина ибтидоий деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланувчи илк қишлоқлар пайдо бўлиб, улар айрим ертўла ва чўпқори енгил чайлалардан иборат тураржойлардан ташкил топган. Бу илк қишлоқларда хонаки ҳунармандчиликнинг кулолчилик, мисгарчилик, сангтарошлик, тўқимачилик каби турларигина мавжуд бўлса-да, аммо ҳали улар касб ҳунарининг ривож топган мустақил соҳаси даражасига етиб бормаган эди.

ҚОРАҚУЛНИНГ ИБТИДОИЙ ЧОРВАДОРЛАРИ

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Зарафшон оқими аввалгига нисбатан янада сусая боради. Серсувлик йилларида унинг тошқинлари ҳали Мохондарё ва Гужайли ўзанлари бўйлаб вақт-вақти билан гарчи уриб турган бўлса-да, Зарафшоннинг қуйи тармоқлари бу вақтга келиб оқишдан деярли тўхтади. Қорақўлнинг Замонбободаги ибтидоий деҳқонлари суви қуриб бора-

ётган қадимги Гужайли ерларини ташлаб, Зарафшоннинг суви доимий оқиб турган асосий ўзанлари ёқасига кўчиб бориб ўрнашишга мажбур бўлади.

Худди шу замонларда шимолдан—Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимидан қадимги Хоразм ерлари орқали асосан чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган ярим кўчманчи қабилалар каттагина гуруҳининг Зарафшон водийси яйловларига, айниқса дарё адоқлари атрофига келиб ўрнашгани кузатилган. Бу ибтидоий чорвадорлардан сақланиб қолган моддий маданият обидалари даставвал Енисей дарёси бўйларида—Андронов, сўнгра Қорақалпоғистоннинг Тозабоғёп деган жойларида топиб текширилгани учун у тарих фанида «Андронов-Тозабоғёп» маданиятлари номи билан шуҳрат топган.

Бу маданиятга тегишли аҳолини археолог-олимлар милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Қозоғистон даштларидан Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ноҳиялари орқали келган чорвадор қабилаларга мансуб келгиндилар деб атадилар. С. П. Толстовнинг фикрича уларнинг вакиллари қадимги Хоразм ерларида дастлаб милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўлган. Қайд этилган ва тадқиқ қилинган кўпдан-кўп осори атиқалардан маълум бўлишича, келгинди чорвадор аҳоли ўша замонларда Ўрта Осиёнинг дашт ва тоғ ён бағри яйловларида яшаган.

Топиб текширилган археологик обидаларнинг тарқалган жойларига қараганда Қуйи Зарафшоннинг буянги аҳолиси асосан Гужайли бўйлаб Кичиктузкон ва Замонбобо атрофларига ҳамда Қашқадарёнинг қуйи оқимида жойлашган қадимги Пойканд кўли ёқасига келиб ўрнашган. Айниқса Кичиктузкон ва Замонбободан жануби-ғарбда жойлашган Каптарниқуми. Қамншли ва Хўкизқудуқ атрофларида қайд этилган ўнлаб манзилгоҳларнинг унчалик қалин бўлмаган қатламлари ва бу маданий қатламларнинг интенсив шамол эрозияси оқибатида емирилиб, улар орасидаги сопол идиш парчалари ва микролит тош қуроллар жез буюм бўлакларининг гоҳ тақир устида, гоҳ қумликлар орасида ҳар томонга сочилиб ётиши ўша замонларда бу музофотда ҳаёт жўш уриб қайнаганидан далолат беради.

Бу қадимги подачи қабилалар яратган маданиятни, хусусан уларнинг турмуш тарзи, дафн маросимлари, ҳунармандчилик даражаси, ҳатто ташқи қиёфаларини тадқиқ этишда мазорларда қайд этилган топилмалар айниқса диққатга сазовордир. Қуйи Зарафшонда даст-

аввал 5та қабр 1951 йилда Я. Ғуломов томонидан Замонбобо кўли яқинида Гужайли соҳилида қазиб ўрганилди. Иккинчи мазор 1958 йилда сўнгги антик давр қўрғони Қизилқирнинг пастки қатлами остидан кавлаб очилди. Қабрлар асосан ёрма гўр шаклида бўлиб, марҳумлар оёқ-қўллари букилиб, бир ёнига ёнбошлатиб, боши ғарб томонга қаратилган ҳолда дафн этилган. Ҳар бир скелет ёнида ботирма чизик нақшлар билан безатилган туваксимон сопол идишлар, аёллар қабрларида эса тош ва жездан ясалган турли хил тақинчоқлар учрайди. Қадимги Хоразмнинг Оқчадарё дельтасида қазиб ўрганилган кўплаб ёдгорликларга қараганда бу подачи қабилалар сув бўйларида бир ёки икки оналарга мўлжалланган унчалик катта бўлмаган тўртбурчакли, марказида манқали бўлган ярим ертўла чўпқори чайлаларда яшаганлар. Дарё адоғида сақланиб қолган майда суғориш тармоқларига қараганда, улар яйлов подачилигидан ташқари суғорма деҳқончилик билан ҳам машғул бўлганлар. Уларда хонаки кулларчилик бирмунча ривожланган бўлиб, кўпроқ сиртига турли шаклдаги геометрик шакллар, тўлқинсимон чизиклар ёки бошоқсимон нақшлар тортилган туваксимон идиш-товоқлар ясаб ишлатганлар. Қалай ва мис қоришмасини эритиб, жездан пичоқ, бигиз, қалмоқ, кўзгу, исирға, билагузук, мунчоқ ва тўғноғич каби турли хил буюм ва тақинчоқлар ясаганлар. Ургут яқинида Мўминободда қазиб очилган қабрларда қайд этилган зеб-зийнатларга қараганда, улар олтин, кумушдан нозик исирға ва ҳар хил тақинчоқлар ясашни билганлар. Ҳатто суякдан сибизға ясаб, яйловларда уни чалиб юрганлар. Айрим сопол бўлақларида сақланиб қолган мато изларидан маълум бўлишича, бу подачи жамоалари жун йигириб, ундан турли хил матолар тўқиганлар.

Зарафшон этакларида, хусусан ҳозирги Қорақўл ноҳияси атрофида милoddан аввалги II минг йилликнинг охириги чорагида келиб ўрнашган бу янги аҳоли дастлаб шубҳасиз қадимги замонбоболик деҳқон жамоалари билан ёнма-ён яшаган, кейинчалик эса улар билан аралашиб Қорақўлнинг туб аҳолисига айланган. Шунинг учун бўлса керак, антрополог олимлар бу подачи аҳоли антропологик тип жиҳатдан замонбоболиклардан мутлақо фарқ қилмаслигини, замонбоболиклар эса Сурхондарёнинг Сополли маданиятига мансуб ўтроқ деҳқон аҳолиси билан бир қиёфага эга эканини қайд этадилар.


Келтирилган археологик маълумотлар таҳлилл шуни кўрсатадики, Қуйи Зарафшонда милоддан аввалги II минг йилликнинг охирида ва милоддан аввалги I минг йиллик бошларида яшаган ибтидоий қабилалар «Андронов-Тозабоб» маданиятига мансуб эканлар. Уларнинг келиб чиқиши гарчи жанубий Сибирнинг кўчманчи чорвадорларига бориб тақалса-да, ammo асрлар давомида Жанубий Қозоғистон, Хоразм ва Урта Осиёнинг дашт ҳамда водийлари аҳолиси билан олиб борган узлуксиз мулоқотлари оқибатида ерли деҳқон ва чорвадор жамоаларига аралашиб кетган ва қадимги Сўғд маданиятининг шаклланишида маълум даражада иштирок этган. Худди ўша замонлардан бошлаб Зарафшон этаклари, хусусан ҳозирги Олот, Қоракўл, Жондор ва Рометон атрофларида чорвачилик ривож топиб, бу жойлар Бухоронинг қадимги чорвадор аҳолиси учун кенг яйловга, овчи ва балиқчилари учун қулай масканга айланган.

КУМРАБОТДА ҚАЗИБ ОЧИЛГАН ЭНГ КАДИМГИ ҚИШЛОҚ

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Урта Осиёнинг даштлик ерларида яшаётган аҳоли ҳаётида содир бўлганидек, Зарафшон водийси қуйи қисмидаги қабилаларнинг чорвачилик хўжалигида ҳам тез суръатлар билан ривожланиш жараёни кузатилади. Дарё адоғининг деҳқончилик учун қулай ерларида ярим кўчманчи чорвадорларнинг маълум қисми ўтроқлашиб, янги-янги деҳқон жамоалари шакллана бошлайди. Ammo суви қуриб бораётган Мохондарё, Гурдуш ва Гужайли ўзанларининг даштликка айланиб бораётган ҳавзасининг географик шаронти аҳолиси кўпайиб тобора кенгайиб бораётган ўтроқ ҳаёт учун нобоп бўлиб қолади. Ярм чорвадор ва ярим деҳқон қабилалар бу қадимги ўлкани тарк этиб, ҳозирги Бухоро воҳасининг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларига — Қизилтепа ва Вобкентдарё адоқларига томон силжигани кузатилади. Варахшадан 20 км. ғарбда Боштепа гуруҳи номи билан машҳур бўлган ёдгорликлар теварак атрофида, Қизилтепада Хўжабўстон Бояздий шаҳар харобасининг остки қатламларида қайд этилган сўнгги жез даври топилмалари бунга ёрқин далилдир.

Айни шу даврда Зарафшон водийсининг юқори ва ўрта қисмларидаги сон-саноқсиз сой этакларида, чаш-

малардан ҳосил бўлган сизот сувлар ёқаларида ўтроқ деҳқон жамоалари қишлоқлари пайдо бўлиб, уларнинг атроф чорвадор аҳоли билан бўлган мулоқоти кучайиб боради. Бир томондан, деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг юксалиши, иккинчи томондан, касб-ҳунар, хусусан маъдан эритиш ва ундан қуро-ляроқ, асбоб-ускуна ва зеб-зийнатлар яшашнинг ривож топиши, учинчи томондан эса, деҳқон ва чорвадор аҳолилар ўртасида айрбош савдонинг кенгайиб бориши Зарафшон водийсида ҳам урбанизация жараёнини кучайтириб, қадимги Сўғд маданиятининг шаклланишига олиб келади. Бу жараён шубҳасиз ишлаб чиқаришда янги хом ашё—темирни тоблаб, ундан қуро-ляроқ яшашга ўтиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу давр археология фанида «Темір даври» номи билан юритилади. У милодгача бўлган I минг йилликда бошланган.



Қумработда қазиб очилган милоддан аввалги V асрга оид турар-жой тархи.

Қадимги Сўғд маданиятига мансуб урбанизациялашган деҳқон ва ҳунарманд жамоаларининг милодгача бўлган VII—V асрларга мансуб қишлоқлари аввал Урта Зарафшонда, ҳозирги Самарқанд шаҳри ва унинг теварак атрофларида, чашма сувлар ва сой жилгалари бўйида қад кўтариб, сўнгра аста-секин Зарафшон водийси бўйлаб янги-янги ерлар ўзлаштирила

борган. Навоий вилоятининг Қалқонота ва Конимех ноҳияларида, Бухоро вилоятининг қадимги Варахша ерларидан ғарброқда қайд этилган бундай қишлоқларнинг харобалари ва мозорқўрғонларга қараб фикр юри тадиган бўлсак, милодгача бўлган VI—V асрларда фақат ҳозирги Бухоро воҳасининг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларигина—Конимех ва Вобкентдарё адоғидаги ерлар ўзлаштирилиб, бу ерларда ўтроқ деҳқончилик қишлоқлари қад кўтара бошлагани кузатилади. Бироқ воҳанинг асосий қисми ҳали чакалакзор ва қамишзор партов ерлардан иборат бўлган. Чунки бу даврда Зарафшон сувлари водийнинг Самарқанд қисмида деҳқончилик учун мутлақо сарф бўлмай, унинг йиллик оқими Бухоро ерларида халқоб бўлиб ётар, ҳатто унинг этагида (ҳозирги Қорақўл ва Олот ноҳиялари ҳудудида) илк ўрта аср ёзма манбаларида тасвирланган машҳур «Боргини Фарох», яъни «Улкан кўл» ҳосил бўлган эди.

Бухоро воҳасида энг қадимги қишлоқларнинг пайдо бўлиш жараёнини X аср Бухоро тарихчиси Муҳаммад Наршахий қуйидагича таърифлаган: «Аввал улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, сўнг вақт ўтиши билан одамлар йиғилишиб иморатлар қурдилар... Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди».

Дарҳақиқат Варахша ва Конимех атрофларида қайд этилиб тадқиқ қилинган милоддан аввалги VI—V асрларга мансуб деҳқончилик қишлоқлари ўрнашган ерларнинг географик шароити Наршахий тасвирлаган қадимги манзарани эслатади. Қишлоқ харобаларининг деярли ҳаммаси дарё тармоқларининг арналари ёқасида жойлашган. Сувга яқин бундай ерларда деҳқончилик қилиш анча қулай бўлган. Бундай қишлоқлар харобалари Конимех ноҳиясидан 5 км ғарброқда Қумработ, Арабон—1, Арабон—2 ва Чордара деган жойларда, айниқса яхши сақланган. Бу ёдгорликларни, жумладан Қумработ қишлоқ харобасини синчиклаб текшириш натижасида Бухоро воҳасида, хусусан унинг шимолида қад кўтарган илк қишлоқларнинг қачон қурила бошлагани, тархи—иморатларининг тузилиши, хўжалик ҳаёти, айниқса ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалаларга ойдинлик киритди. Милоддан аввалги VI—V асрларга мансуб бу нодир ёдгорлик Чордарадан жанубда, Қумработ қишлоғидан 0,5 км жануби-ғарбда жойлашган. Ёдгорликнинг бир қисми бузиб юборилган. Қишлоқ харобасининг сақланиб қол-

ган қисмининг майдони 45х50 метрга тенг бўлиб, 9 хонали каттагина уй, ҳовлиси ҳамда кулолчилик устахоналари бор, атрофи қалнн девор билан ўралган мустаҳкам қўрғондан иборат. Қўрғон ва иморат деворлари пахсадан урилган, қалинлиги 1,2—2,2 м, 0,6 м баландликда сақланган. Кулолчилик устахонаси алоҳида бўлиб, қўрғоннинг шарқий томонида жойлашган. Унда сопол идишлар пишириладиган диаметри 1,1 метр келадиган икки кўрали хумдон бор. Унинг юқори кўраси бузилиб, оловхонаси ичига қулаб тушган. Унинг ичида кулолчилик чархида ясалган кўпдан-кўп лаби юпқа, гардиши ясси, жарангдор кува ва кувачасимон, тоғорасимон сопол идишлар ва уларнинг бўлаклари қалашиб ётарди.

Конимехнинг VI—V асрларга мансуб археологик ёдгорликлари орасида ноҳия марказидан 5 км ғарбда жойлашган Чордара тепалиги айниқса диққатга сазовор. Унинг майдони 40х20 м, баландлиги эса 11 м га тенг. Бу баланд тепалик остки қатламининг узунлиги 56 см, эни 28—30 см, қалинлиги 7—8 см келадиган йирик хом ғишт ҳамда пахсадан урилган истеҳкомли қўрғоннинг харобаларидан иборат, Унинг ташқи девори ва бир печта хоналарида равоқсимон эшик ўринлари ҳозиргача жуда яхши сақланган. Қадимги Конимех воҳасида яшаган ўтроқ деҳқонларнинг мазор қўрғонлари Шодибек ҳамда Қалқонота қишлоқлари яқинида қазиб ўрганилди. Гарчи қабрларнинг аксарияти ўша замонлардаёқ қазиб очилиб, дафн ашёлари ўғирлаб кетилган бўлса-да, ҳар ҳолда у ўша замон дафн маросими тўғрисида айрим маълумотларни берди. Шу маълумотларга асосланиб фикр юритиш имконига эга бўлдик. Мазор қўрғонлари диаметри 7—18 м, баландлиги 0,5—1,5 м келадиган яссиланиб кетган гумбазли қабрлардан иборат бўлиб, гўрхонаси унинг марказида жойлашган. У тўртбурчак, тухумсимон чўзиқ шаклда. Ҳажми 2—2,2х 0,6—0,9 м, чуқурлиги 0,4—0,6 м га тенг. Марҳумлар чалқанчасига боши шимоли-шарққа қаратиб кўмилган. Эркак скелетларининг кўпида бел қисмида бир томони тешилган тош қайроқлар учради. Қабрлардан бирида калла суюги ичида жездан ясалган уч парракли зуғатаси найчасимон камон ўқининг пайкони, иккинчи қабрдан эса лаби юпқа, туби текис жарангдор банкасимон идишгина қайд этилди, холос. Озлигидан қатъи назар, бу ашёлар Конимех ноҳиясида топиб ўрганилган қадим қишлоқлар санасинп белгилаб берди.

Кейинги йилларда Варахша атрофида, айниқса унинг ғарбий томонида Вобкент дарёсининг кўҳна адоғида жойлашган Боштепа теварагида қайд этилган VI—V асрларга мансуб қишлоқ харобаларини ўрганиш эндигина бошланаяпти. Шунга қарамасдан бу ноҳияда бундай ёдгорликларнинг мавжудлиги шубҳасиз Бухоро воҳасида илк шаҳар маданиятининг шаклланиб ривожланишида улар муҳим роль ўйнаганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Наршахий Бухоро воҳасида қад кўтарган энг қадимги қишлоқлар ҳақида ҳикоя қилганида Варахша «катта қишлоқлар жумласидан бўлиб ...у Бухоро шаҳридан қадимийроқдир» деб асоссиз ёзмаган бўлса керак. Дарҳақиқат Наршахийнинг бу маълумоти ҳақиқатга анча яқин бўлиб, уни 1975—1977 йилларда Варахша шаҳар харобасининг остки қатламларида қайд этилган археологик топилмалар маълум даражада тасдиқлайди.

Шундай қилиб, Бухоро воҳасида, хусусан унинг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларида илк шаҳар типидagi урбанизацияланган қишлоқлар милдгача бўлган VI—V асрлардаёқ қад кўтара бошлаган. Улар замонбоблик қадимги хонаки чорвадор деҳқонларнинг ярим ертўла ҳамда энгил чўпқори чайлалардан тубдан фарқ қиладиган йирик хом ғишт ва пахсадан бино қилинган, атрофи девор билан ўралган, ҳунармандчилик анча-мунча ривож топган истеҳкомли қишлоқлар эди. Улар, шубҳасиз воҳада шаҳар маданияти юксалиб, шаҳарларнинг қад кўтаришида асосий пойдевор бўлиб хизмат қилган.

ҚАДИМГИ БУХОРО ҚАЧОН ҚАД КЎТАРДИ?

Урбанизация масалалари жамиятнинг социалиқтисодий ва маданий траққиётида ҳамиша энг долзарб муаммолардан бўлиб, унинг тарихини тадқиқ қилиш эса фанда энг муҳим мавзулардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам археология фағида бу мавзуга доимо алоҳида эътибор бериб келинди. Жумҳуриятимиз ҳудудидаги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва шаҳар маданиятининг ривожланиш тарихини ўрганиш муносабати билан 60-йиллардаёқ Я. Ғуломов раҳбарлигида махсус археологик экспедиция ташкил этилди. Археологлар аввал Фарғона водийсида қад кўтарган қадимий шаҳарлардан Қува ва Ахсикат, Самарқандда эса Афросиёб шаҳар харобаларида қазиш ишлари бошлаб юбордилар. 1970 йилнинг кузида Афросиёбда топилиб

тадқиқ этилган дастлабки археологик материаллар асосида Урта Осиёдаги энг кўҳна шаҳарлардам бири Самарқанднинг 2500 йиллик тўйи нишонланди. Бу воқеа, шубҳасиз Тошкент, Бухоро, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида археологик тадқиқотларнинг кенгайишига бирмунча туртки ҳам бўлди.

Шу туфайли 1970 йилдаёқ Яҳё Ғуломов раҳбарлигида Бухоро шаҳрида ҳам кўп йилларга мўлжалланган мунтазам археологик қазиш ишлари бошланган эди. Аммо тадқиқотчилар ҳали ниҳоясига етар-етмас Бухоро жамоатчилиги, айниқса фидойи зиёлилари ўртасида «Бухоронинг ёши 3000 йилдан кам эмас» деган қатъий фикр кенг тарқала бошлади. Гарчи археологик қазишмаларда бу рақамни тасдиқловчи бирорта осори-атиққа учрамаган бўлсада.

Аммо, Бухоронинг ёши 3000 йилдан кам эмас деган фикрда ҳам асос бўлиши керак. Хўш бундай маълумот қайси манбадан олинган? Аслида бу маълумот Муҳаммад Наршахийга мансуб бўлиб, у ўзининг «Бухоро тарихи» номли китобида икки бор ана шу рақамни қайд қилиб ўтган ва Аркнинг қурилишини қадимги Эроннинг афсонавий шаҳзодаси Сиёвуш номи билан боғлаган: «Сиёвуш ибн Кайковус ўз отасидан қочиб Жайхун дарёсидан (кечиб) ўтиб Афросиёбнинг олдига келди. Афросиёб уни яхши қабул этди ва ўз қизини унга хотинликка бериб, айтишларича, барча мулкини ҳам унга топширди. Бу вилоят ўзига вақтинча бериб қўйилган жой эканлиги туфайли Сиёвуш бу ерда ўздан бир ёдгорлик қолдиришни истади. Шундай қилиб, у Бухоро хисорини бино қилди ва кўпроқ вақт ўша жойда турди. (Кимлардир) у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва (натижада) Афросиёб уни ўлдирди ҳамда шу хисорда шарқий дарвозадан кираверишдаги «Дарвозайн ғўриён» деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарасига дафн этилди... Бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди».

Агар шу рақамни далил сифатида таҳлил этиб, ҳулоса қилинадиган бўлса Бухоро арки 4000 йилдан ошиқроқ вақт илгари қурилган бўлиб, Бухоро ёши бухоролик биродарлар ҳаминша таъкидлаб келганидек 3000 йил эмас, балки 4000 йилга тенг бўлиб чиқади.

Модомики Бухоронинг пайдо бўлган вақти ҳақида сўз борар экан, Наршахийнинг ушбу китобида келтирилган шунга оид яна бир муҳим маълумотга эътибор берайлик. Унда Бухоро ҳали шаҳар сифатида шакл-

ланмаган, аммо эндигина айрим қишлоқлар пайдо бўлган давр тасвирланиб шундай баён этилади: «Халқ кўпайгач, бир кишини сайлаб амир қилдилар, унинг номи Абрўй эди. Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди. Нур, Ҳарқонруд, Вардона, Таровча, Сафна ва Исвоналар ўша қишлоқлар жумласидандир». Бу маълумотга қараганда Бухорога илк бор подшо бўлган ҳукмдорнинг номи Абрўй бўлган. Дарҳақиқат Абрўй Афросиёб ёки Сиёвуш каби афсонавий эмас, тарихий шахс. Тарихдан маълумки, у VI асрнинг 80-йиллари бошида йirik мулкдорларга қарши Пойканд шаҳрида кўтарилган халқ кўзғолонига бошчилик қилган. Кўзғолон оқиба-тида пойкандлик мулкдорлар қувиб юборилиб, шаҳар қисқа муддатга бўлса-да, Абрўй бошлиқ камбағал кадиварлар—қишлоқ аҳли қўлига ўтган. Турк хоқони Қорачўриннинг ёрдами билан милодий 586-йилда Абрўй ўлдирилган. Бинобарин, Наршахийнинг ушбу маълумотини асос қилиб оладиган бўлсак, Бухоро ёши 4000 ҳам, 3000 ҳам эмас, балки 1400 йилдан сал ошиқроқ бўлиб чиқади.

Бухоро ёши 3000 йилга тенг деб даъво қилувчилар наҳотки Наршахийнинг бу маълумотига эътибор бермаганлар. Қолаверса, шу ўринда «Бу рақамларнинг қай бирига ишонин керак?» деган ҳақли савол туғилди. Шу сабабли Наршахийнинг Бухоро шаҳрининг ёши ҳақидаги маълумотларини археологик топилмалар асосида таҳлил этиш зарурияти туғилди. Шубҳасиз, биз бу ўринда Наршахий маълумотларини шубҳа остига олиб, асар қимматини камситмоқчи эмасмиз. Аммо Бухоронинг қадимги тарихига онд маълумотларнинг аксарияти афсоналар асосида ёзилганлиги учун уларга тўла асосланиб бўлмайди. Бу ўринда Наршахийнинг Бухоро воҳасининг обод этилиши ҳақидаги яна бир маълумотини бухоролик дўстларимиз диққатига ҳавола қилмоқчимиз. У Бухоро атрофида қад кўтарган айрим қадимий қишлоқлар тўғрисида сўз юритар экан, Варахша, Пойканд, Роминш ва Ромитонни «Бухородан қадимийроқдир» деб таъкидлайди. Унинг ёзишича, Варахша ва Пойканд подшоҳлар қароргоҳи бўлган: «Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Бойканд (Пойканд) эди. Шаҳар «Қалайн Дабусий»—«Дабусий қалъаси» бўлиб, шаҳар деб шуни атар эдилар». Шунингдек у баъзи китобларда Ромитонни «Бухоро деб атаганлар» деган маълумотни келтиради. «Бу қишлоқ қадим вақтларда подшоҳларнинг турар жойлари бўлган. (Кейинроқ эса) Бу-



Миллоддан аввалги IV—III асрларга мансуб сопол қалаҳлар.

хоро шаҳари бино бўлгандан кейин подшоҳлар қиш фаслидагина бу қишлоқда турадиган бўлганлар. (Бу ерлар) ислом давлатига ўтганда ҳам шундай бўлиб турган» деб таърифлаган Наршахий.

Наршахий маълумотлари таҳлил қилинар экан, эҳтимол Қўрғони Ромитон қадимда ҳақиқатан ҳам Бухоро деб юритилгандир, деган фикр туғилиши табиийдир. Масалага қисман бўлса-да аниқлик киритиш мақсадида Бухоро атрофида бир қанча археологик ёдгорликларда қазилмалар ўтказилди. Варахша, Қўрғони Ромитон ва Ромуш каби қадимги шаҳар харобаларидан топилган материаллар синчиклаб қайта кўриб чиқилди. Бухоро шаҳри яқинидаги Талимурдапартов, Тахмачтепа, Талимоҳитобон ёдгорликларида қазилма ишлари олиб борилди. Қадимги Пойканд харобаларида археологик тадқиқотлар бошлаб юборилди. Натижада Наршахий «Бухородан қадимийроқдир» деб кўрсатган Пойканд ва Ромитоннинг қуйи қатламларида қайд этилган топилмаларнинг энг қадимийси милодгача бўлган IV аср охири—III асрга мансуб экани аниқланди. Гарчи Варахшанинг остки қатлампдан милодгача бўлган V—IV асрларга оид сопол бўлаклари топилган бўлса-да, аммо кавлаб очилган йирик ҳажмдаги (40x27x10 см) хом ғиштлардан уриб чиқилган, қалинлиги 2 метр келадиган қадимги девор ҳамда доира шаклдаги улкан мўла милод бошларига тегишли бўлиб чиқди. Қўҳна Ромитоннинг остки қатламларидаги харобалар эса милоднинг III—IV асрларига тегишли экани маълум бўлди.

Шундай қилиб, Наршахийнинг Бухоро ва унинг атрофида жойлашган қадимий қишлоқлари ёши ҳақидаги маълумотлари археологик қазилмаларда ўз таъдиқини топмади. Шундай бўлса-да, бу икки хил манба маълумотлари шаҳарнинг пайдо бўлиш жараёнининг умумий манзарасини тиклашда бирмунча аниқлик киритди. Бухоронинг ҳақиқий ёши археологик тадқиқотлар орқали аниқланди.

БУХОРО ЁШИ ЗУЛҚАРНАЙН ТЕНГДОШИ

Қўҳна Бухоро—ўлкамизнинг тарихий обидаларга бой шаҳарларидан бири сифатида машҳур. Мана Тоқи Заргарон, Тими Абдуллахон, Зиндон ва Мирараб мадрасаси каби ўрта аср меъморий обидалари жойлашган қадимий шаҳристон ҳамда Арkning ялангликдан иборат шарқий қисмида ёзин-қилин муттасил олиб

борилган кўп йиллик археологик қазинма ишлари ҳам ниҳоясига етди.

Қазинмалар олиб борилган майдонларда 20 метр чуқурликда бир неча хандақлар қазилди, ер ости сизот сувлари насослар ёрдамида чиқарилди, деярли ҳамма қазиниш участкаларида Бухоронинг ботқоқлик устида ҳосил бўлган қадимги рўйи заминини кавлаб очишга муяссар бўлинди. Унинг бу она тупроғи устида асрлар давомида ниҳоятда қалин маданий қатлам вужудга келган экан. Унинг қалинлиги баъзи жойларда 20 метргача боради. Бухоронинг узоқ ўтмиш изларини ўз бағрида сақлаб келаётган бу қатлам, шубҳасиз, ўзига хос бир антиқа хазина бўлиб, унда қайд этилган хилма-хил археологик топилмалар шаҳар ҳаётининг турли тарихий даврларига мансуб ашёвий далиллар эди.

Мана Мирараб мадрасаси ва Тоқи Заргарон ёдгорлиги оралиғида майдони қарийб 2,5 минг квадрат метрли қазилган хандақ. Унинг чуқурлиги 17,5 метр. Археологларимизнинг белкурағи билан тик ва ниҳоятда текис кавлаб тушилган хандақ деворлари худди қатқат қилиб пиширилган улкан «қатлама пирог»ни эслатади. Девор бўйлаб турли сатҳда ўралар, атрофи пишиқ гишт билан ишлаб чиқилган чуқур қудуқлар, турли томонга йўналган пишиқ гиштли равоқсимон тазарлар (канализация иншоотлари), пахса ва йирик хом гиштлирдан уриб чиқилган ниҳоятда қалин шаҳар деворининг вайронага айланган қолдиқлари, кучли ёнғин излари ва ҳоказолар кўзга яққол ташланиб туради. Булар, шубҳасиз, асрлар давомида шаҳарнинг қайнаган жўшқин ҳаёти қолдирган излар бўлиб, Бухоронинг неча бор вайрон этилиб, неча бор қайта тикланганидан далолат берувчи тилсиз гувоҳлардир.

Қазинманинг энг остки қатламларидан археологлар учун фавқуллодда қизиқарли ва қимматли маълумотларни аниқлаш имконини берувчи ашёвий далиллар топилди. Бухоро шаҳри ҳали қад кўтармасдан аввал—узоқ ўтмишда ҳосил бўлган бу табиий қатламлар ранги ва таркибига кўра бир-бирдан мутлақо ажралиб турарди. Хандақнинг энг туб қисмида дарё оқиндиларидан ҳосил бўлган оч-кулранг тусли қадимги рўйи замин, унинг устки қисмида эса чириндилардан ҳосил бўлган, қалинлиги 40—70 см келадиган торф қатлами мавжуд. У тўқ-жигарранг. Бу қатлам бамисоли қўтон ичидаги отар оёғи остида босилавериб қат-қат бўлиб кетган қўй қийини эслатади. Торф қатлами орасида

ёввойи ва хонаки ҳайвонлар ҳамда парранда суякларини, сопол идишлар бўлаklarини учратамиз. Бу қатлам шимолдан жанубга—Мирараб мадрасасига томон қалинлашиб, мадраса ҳовлиси остида унинг қалинлиги 7,5 метрга боради.

Бухоро шаҳри остида археологик қазинмалар натижасида кавлаб очилган бу қатламлар, шубҳасиз, бу ўлкада аҳоли эндигина келиб ўрнашиб, уни ўзлаштиришга киришилган қадим замонлардаги бўлажак шаҳарлар ўрни ва теварак-атрофларининг табиий манзарасини намоён қиларди. Шубҳасиз бу археологик манзара Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида келтирилган тарифга жуда ҳамоҳанг бўлиб, уни тўла тасдиқлар эди. «Ҳозирда Бухоро ўрнашган бу мавзе, илгари ботқоқлик бўлиб, — деб тарифлаган эди Наршахий — унинг бази ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзор ташкил этган, айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирон ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаган. Бунинг сабаби шуки, Самарқанд томонидаги вилоятларда тоғларда қор эриб, сувни оқиб келиб ўша жойларга йиғилиб ётар эди.

Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни «Руди Мосаф» — «Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йиғилган, у бир талай ерларни ювиб ўприб, кўп лойқаларни суриб келган ва натижада бу ботқоқликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди, лойқаларни то Битик ва Фаробгача суриб келтира берди. Сўнг сув тошиб келиши тўхтади, Бухоро ўрнашган жой аста-секин тўлиб текис ерга айланди ва шундай қилиб у катта дарё Суғд ва бу лойқалар билан тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди».

Зарафшон водийсининг қуйи қисмига жойлашган Бухоро воҳасининг пайдо бўлиши тўғрисида айтилган бу палеогеографик мулоҳаза илк ўрта асрлардаёқ дарё водийлари шаклланиши ва бу жараёнда сув манбаларининг табиий роли ҳақида етарли ва аниқ тушунчага эга бўлинганлигида далолат беради. Қизилги шундаки, бундан қарийб минг йил аввал бу фикр нақадар тўғри эканлигини Бухорода олиб борилган гидрогеологик ва археологик тадқиқотлар тасдиқлаб берди.

Археологик тадқиқотлар шунинг кўрсатадигани, узоқ ўтмишда Зарафшон дарёсининг қуйи ўзанидан бири ҳали кўҳна Бухоро вужудга келмасдан аввал, ҳозирги вақтда қад кўтариб турган Улугбек ва Абдулазизхон мадрасалари, Тоқи Заргарон, Мирараб мадрасаси, Миноран Қалон ва Масжиди Қалон каби меъморчилик

обидалари буй чўзган замин ўрнидан оқиб ўтган. Бу дарё ўзанининг кенглиги 100—120 метрга борган, илк ўрта аср ёзма манбаларида у «Зарируд» ёки «Рудизари Бухоро» номлари билан тилга олинган. Бу ўзанининг тошқин сувлари қадим замонлардан Пойканд шаҳригача етиб борган. Бу кўҳна ўзанининг дарёвоти ва теварак-атрофини қоплаб ётган қалин бутазор ва тўқайларнинг асрий чириндиларидан Бухоро шаҳри остида торф қатламлари ҳосил бўлган.

Айрим қазинма майдонларида қайд этилган кучли ёнғин қолдиқларига қараганда, Бухоро ҳудудини илк бор ўзлаштиришга киришган қадимги «чўлқуварлар» бу кўҳна дарёвот соҳилларига келиб ўрнашиб, тўқайларга ўт қўйиб ер очган бўлишса ҳам ажаб эмас. Наршахнийнинг таъкидлашича, «ҳар томондан одамлар йиғилиб, у жой обод бўлди. Одамлар Туркистон томонидан келар эдилар. Бу вилоятда сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерга жойлашдилар».

Археологик тадқиқотлар шунини аниқлаб бердики, Бухоро шаҳри даставвал қадимги Зарируд ўзанининг икки соҳилида алоҳида-алоҳида жойлашган учта мустақил қишлоқ шаклида қад кўтарган. Улардан бири дарёнинг ўнг соҳилида ҳозирги Арkning ўрнида бўлган, қолган иккитаси Масжиди Қалон, Минораи Қалон, Мирараб мадрасаси ва Тими Абдуллахон архитектура ёдгорликлари йўналишида, илк ўрта асрлардаги Бухоро шаҳристони ўрнида, дарё ўзанининг икки бетида бир-бирига қарама-қарши жойлашган экан.

Бухоро, хусусан унинг мустабид ҳукмдорлари қароргоҳининг қад кўтариш тарихини ўрганишда Аркда олиб борилган қазиниш ишларининг натижалари ниҳоятда самарали бўлди. Энг муҳими, аркни ўрганиш тарихида биринчи мартаба унинг қадимги рўйи заминигача кавлаб тушилди. Шаҳарнинг бу қадимги қисми остида ҳосил бўлган маданий қатламнинг умумий қалинлиги 20 метрдан ошиқроқ бўлиб, унинг остки қатлампдан кавлаб олинган археологик топилмаларнинг энг кўҳнаси милоддан аввалги IV аср охири ва III аср бошларига мансуб эди. Моддий маданият излари орасида 15,5 метр ҳамда 18,5 метр чуқурликда кавлаб олинган қадимги икки мудофаа деворлари қолдиқларининг топиллиши шаҳар тарихини ўрганишда айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Биринчи мудофаа девори 2,5—3, иккинчиси 2—2,5 метр баландликда сақланган. Юқори қатламдан топилган девор милоднинг III—IV

асрларида, қуйи қатламдан топилгани эса милодгача бўлган IV—III асрларда пахсадан барпо этилган. Бу майдонда маданий қатлам ҳосил бўлган қадимий рўйи заминнинг сатҳига қараганда, Бухоро арки остида қад кўтарган дастлабки қишлоқ Зарируд ўзанининг ўнг соҳилида жойлашган табиий дўнглик устида пайдо бўлган экан. Бу дўнглик теварак-атрофнинг умумий рельефидан 8—10 метр баланд бўлган. Майдони 1,5—2 гектардан ошмаган.

Археологик қазинишлар натижасида кавлаб очилган тарихий манзара шуни кўрсатадики, Бухоронинг қадимги марказий қисми, Аркдан шарқроқда, дарё бўйида рельефи жиҳатдан аркка нисбатан анча-мунча пастроқ ерда жойлашган, майдони 12—13 гектарга тенг бўлган. Мирараб мадрасасининг яқинида олиб борилган қазинишлар чоғида 4,5 метр чуқурликда шаҳарнинг қадимги мудофаа девори қолдиқлари қайд этилди. Пахса ҳамда йирик ҳажмдаги хом ғишлардан уриб чиқилган бу қалъа девори 5—6 метр баландликда сақланган. Девор пойдевори остида қолиб кетган маданий қатлам ва унда қайд этилган археологик топилмалардан маълум бўлишича, бу қадимги мудофаа нишооти милоднинг V—VI асрларида қад кўтарган. Асрлар давомида у бир неча бор таъмир этилган ҳамда қайта-қайта тикланган. Шу боисдан асрлар оша у қалинлашиб, илк ўрта асрларда унинг кенглиги 17 метрга етган. Бухоронинг бу қадимги девори ташқарисидан дарё соҳили бўйлаб кенг йўл ўтган. Минораи Қалон ва Мирараб мадрасаси оралиғидаги майдон рўпарасида шаҳарнинг жанубий дарвозаси жойлашган бўлган. Бу дарвоза илк ўрта асрларда «Мадина дарвозаси» номи билан юритилган. Археологик қазинишлар вақтида Мадина дарвозасининг ўрни ва минораси [буржи]нинг қолдиқлари кавлаб очилди. Бу дарвоза ташқарисидан ўтган катта кўча бўйлаб кейинги асрларда Минораи Қалон, Масжиди Қалон, Улуғбек, Мирараб ва Абдулазизхон мадрасалари ҳамда Тоқи Заргарон каби меъморий обидалар қад кўтарган.

Бухоро шаҳрининг барпо негизи бўлган учинчи қишлоқ Зарируд ўзанининг сўл қирғоғида жойлашган бўлиб, у ҳам алоҳида мудофаа девори билан ўраб олинган. Майдони 6—7 гектар. Бу ноҳияда сўнгги ўрта асрларда Бухоро қозикалонининг саройи ва маҳкамаси жойлашган бўлган. Қизиги шундаки, тадқиқ қилинган 18 метрли маданий қатламнинг 9 метри милоддан аввалги IV—I ҳамда милоднинг I—IV асрларида ҳосил

бўлган. Мазкур қатламда қайд этилган турли хил ашёвий топилмалар юқори сифатли шаҳар ҳунармандчилиги маҳсулотининг қолдиқлари бўлиб, улар бу ерда қадимдан шаҳарнинг гавжум ҳунармандчилик маҳаллалари жойлашганидан гувоҳлик беради.

Хуллас, кўп йиллик археологик тадқиқотлар натижасида Зарафшон дарёси қуйи ўзаниларидан бирининг соҳилида бир-бирига қарама-қарши жойлашган учта алоҳида қишлоқ асосида Бухоро шаҳри барпо бўлгани аниқланди. Шаҳарнинг етти ерида амалга оширилган қазиларнинг маъносида кавлаб очилган маданий қатламларнинг остки қисмида қайд этилган ашёвий топилмалар миқдорига бўлган IV аср охири ва III аср бошларига мансуб бўлиб, Бухоронинг 2300 йиллик тарихга эга эканидан гувоҳлик беради. Бу, шубҳасиз, X аср муаррихи Муҳаммад Наршахий кўрсатган ҳар иккала санадан ҳам мутлақо фарқ қилади.




Қадимий сопол ҳайкалчалар.

Шундай қилиб, осори атиқалардан иборат фактик далиллар Бухоронинг археологик ёши 2300 йилга тенг эканлигини тасдиқлайди. Хўш, нима учун бу сана

2300 йилдан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас, деган савол туғилади. Бу саволларга ҳам қатъий жавобни археологик тадқиқотлардан тўпланган осори атиқалар орқали топиш мумкин. Агарда Бухоро воҳасининг бундан 3,5—3 минг йил илгариги харитаси тасаввур қилинадиган бўлса, ўша вақтда бу улкан ҳудудда бирорта шаҳар у ёқда турсин, ҳатто ўтроқ деҳқончилик қишлоғининг харобаси ҳам кўринмаган. Бухородан 50—70 километр ғарб, шимол-ғарбда—Зарафшоннинг қадимги кўриқ адоқ ўзанлари бўйларида яшаган ярим кўчманчи подачилар ҳамда хонаки чорвадор ва деҳқон қабилаларининг юқорида тилга олинган ярим ертўла ва чайлардан иборат тураржой қолдиқларигина сақланиб қолган, холос.

Урбанизациялашган деҳқончилик қишлоқлари даставвал воҳанинг шимолӣ ва шимол-ғарбий қисмларида—Конимех ва Вобкентдарёнинг кўҳна адоқларидагина қад кўтаради. Кейинги йилларда Бухоронинг Шаҳруд суғориш системаси билан обод этилган марказий қисмида олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу ноҳияда шаҳар маданиятига хос бўлган ёдгорликлар милоддан аввалги IV аср охири ва III асрда, дарё қуйи ўзанлари бўйлаб қад кўтариб, бу ер қизгин ўзлаштирила бошлаган. Шубҳасиз, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган бундай қадимги тўқайзорга бўлган ҳужум тасодифий воқеа бўлмай, балки ўз даври сиёсий вазиятнинг мушкуллашганлиги билан чамбарчас боғлиқ эди. Вазиятни эса, македониялик Искандар қўшинларининг Ўрта Осиё тупроғига бостириб кириши кескинлаштириб, мушкулотнинг ечилишини асосий сабабчисига айланган.

Маълумки, милоддан аввалги 329—327 йилларда Искандар Ўрта Осиёга юриш қилиб, Яксарт (Сирдарё)га қадар бўлган ҳудудни забт этади. Бу мамлакатда жаҳонгир гарчи Спитамен бошлиқ суғд ҳамда шак-масагет қабилаларининг кучли қаршилигига учраб, анчагина талофат кўрган бўлса-да, ammo унинг қўшинлари Зарафшон водийси бўйларида шафқатсиз қирғинлар келтирди. Александр, халқ атамаси билан номланадиган Искандар Зулқарнайн — икки жаҳон мулкдори — Спитаменни қўлга тушириш мақсадида биргина қуйи Зарафшон томон қилган юришида суғдларнинг қалъаларига ўт қўйиб, 120 мингдан ошиқроқ аҳолини қириб ташлади. Фикримизча, бу воқеадан сўнг, шак-шубҳасиз Самарқанд, Арбинжан (Каттақўрғон), Дабусия, қадимги Кармана ва Қалқонота атрофларида яшаган суғдий-



X-XI asrlarga mansub shisha idishlar

ларнинг Искандар қирғинидан омон қолган тўдалари, афтидан жон сақлаш мақсадида қуйи Зарафшон, яъни ҳозирги Бухоро воҳаси томон кўчиб, чакалакзор ва тўқайлар қоплаб ётган бу серсув янги ўлкани ўзлаштиришга киришган. Натижада қисқа муддат ичида бутун воҳа бўйлаб сон-саноксиз деҳқончилик қишлоқлари ва қалъалар қад кўтарган. Бухоро эса, бу янги ноҳиянинг марказига айланган. Шунинг учун ҳам Бухоро воҳасининг ўша даврдаги археологик манзараси, бадий қилиб айтганда, худди очилаётган кўриқдаги гавжум ҳаётни эслатади. Шундай қилиб, Бухоро ёшини Зулқарнайн тенгдоши деб ҳисоблашга ҳар томонлама асос бор. Хуллас, Бухоро шаҳрининг барпо бўлиши биқик ҳолда содир бўлган тасоифий ҳол эмас, балки у бу ўлканинг ўзлаштирилиб, обод этилиши ҳамда воҳа бўйлаб шаҳар маданиятининг шаклланиб ривожланишининг тарихий босқичлари билан узвий боғлиқ бўлган улкан социал-иқтисодий ва маданий жараён натижаси эди. Бу жараён эса ўз даври сиёсий вазиятининг фавқулодда кучли таъсирида янада тезлашиб кетди.

БУХОРОНИНГ ҚАДИМГИ НОМЛАРИ

Кўҳна Бухоро тўғрисида сўз юритилар экан, унинг қадимги номлари, этимологияси хусусида ҳам баъзи бир маълумотларни келтириб, уларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бухоронинг бурунги номларининг аксарияти бу ажойиб ўлканинг ё табиатига, ё иншоотига ёки аҳолисининг ўтмиш эътиқодига монанддир. Чунки топонимлардан бирининг маъноси негизда шаҳар қад кўтарган даврда Зарафшон ерлари табиатининг қадимий сифатлари яширинган бўлиб, Наршахийнинг бу вилоят тўғрисидаги тафсилотларига ҳамоҳанг бўлса, бошқасида ўлканинг ўзлаштирилиб обод этилишидаги тарихий манзара кўринишлари маълум даражада ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Бухоро шаҳрининг қадимги номлари этимологиясини таҳлил қилиб, унда яширинган маънони аниқлаш ўлка ўтмишининг ҳам табиий, ҳам тарихий манзарасини тиклашда тадқиқотчиларга маълум даражада кўмаклашади.

Бухоро шаҳри, у қад кўтарган ўлка ва унинг қадимий ҳукмдорлари тўғрисида қисқача бўлсада, аниқроқ маълумотлар илк ўрта аср Хитой манбаларида келтирилади. Уларда Бухоронинг ўндан ортиқ атамалари: Ан, Анси, Анго, Ньюн, Бухо, Буху, Бутэ, Бухаэр, Бухуаер, Бухала, Фухо, Пухала ва бошқалар тилга олинади. Бу атамалар-

дан бир нечтаси, шубҳасиз Бухоронинг хитойча номлари бўлса, қолганлари ушбу номнинг хитойча турли хил талаффуз этилишидан келиб чиққан сўзлардир. Қизиғи шундаки, бу атамалар остида, одатда ҳам ҳокимият ёки улка ҳамда шу ҳокимиятнинг пойтахти ҳисобланган марказий шаҳри тасвирланади. Масалан, Ан ёки Бухо ҳокимияти ilk ўрта асрларда Нюми номи билан машҳур бўлиб, унинг пойтахти ҳам шу ном билан юритилган. Нюмидан 100 км (50 км) шимоли-шарқда Ан ва шунча масофада жануби-ғарбда эса Би



X—XI асрларга мансуб фил суягидан ясалган нард тошлари.

(Пойканд) шаҳри жойлашган. Хукмдорлар қароргоҳи Аланми (Ромитан) шаҳрида бўлган. Бу давлатнинг ғарбий чегараси Уху (Амударё) соҳилларига бориб тақалган. Вилоятда 40 та йирик шаҳар ва мингдан ортиқ майда истеҳкомлар бўлиб, бақувват ва довюрак йигитларгина чокар (аскар)ликка ёллаб олинган.

Нюми давлатининг пойтахти Сиванцзин (Самарқанд)дан ғарбда, Нами (Зарафшон) дарёсининг жанубида жойлашган. Шаҳар беш қатор девор ва оқар сувли хандақлар билан ўралган. Сарой иморатларининг томлари эса текис қилиб ёпилган⁴.

Демак, Хитой манбаларида келтирилган маълумотларга қараганда, милодий V—VII асрларда Зарафшон

⁴ М а л я в и н А. Г. Марказий Осиё давлатлари ҳақида Тан солномалари. Москва, 1989, 77—78-бетлар.

дарёси Нами деб юритилиб, унинг қўйи қисмига жойлашган давлат эса Ньюми деб аталган. Бу ҳокимиятнинг пойтахти ҳам Ньюми номи билан юритилиб, у алоҳида-алоҳида махсус мудофаа деворлари билан ўралган бешта истеҳкомли қалъалардан иборат бўлган. Шаҳар яқинидан оқиб ўтган сув йўллари хандақ вазифасини ўтаган. Илк ўрта асрлардаги Бухоро шаҳрининг бундай тарихий топографияси тафсилоти юқорида кўзатилганидек археологик тадқиқотларда ҳам маълум даражада ўз тасдиқини топди.

Бухоронинг эски шаҳар қисмида алоҳида-алоҳида жойлашган истеҳкомли икки шаҳристон ва кўҳандиздан иборат илк ўрта асрга мансуб учта қалъа харобаларининг кавлаб очилиши бунинг ёрқин далилидир.



XI—XII асрларга мансуб созандачи аёллар тасвирланган кошинли сопол идиш бўлаги.

Ўрта асрнинг арабнавис муаллифлари асарларида Бухоронинг бу машҳур номидан ташқари унинг Нумижкат, Бумискат, Мадинат ус-суфрия, Мадинат ут-тужжор, Фохира каби қатор атамалари келтирилади. Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, ўша вақтларда Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга бўлмаган.

Ўрта аср манбаларида келтирилган тафсилотларга қараганда, Бухоро ва Нумижкат аввалда бири иккинчисига яқин жойлашган икки алоҳида шаҳар бўлган. VIII асрда Муқанна қўзғолони даврида ҳам бу икки шаҳарнинг мустақиллиги таъкидланиб, ҳатто 775 йилда қўзғолончи — оқ кийимликларнинг Нумижкатга бостириб кириб, уни ишғол этгани ҳақида ҳикоя қилинади. Сўнг вақт ўтиши билан Бухоро ва Нумижкат майдонлари кенгайиб, улар бир-бирига қўшилиб кетган.

Ҳўш, Бухоро шаҳрининг бу қадимий номлари қандай маъноларни англатади? Бухоро номлари этимологияси хусусида сўз юритилар экан, аввало шуни таъкидлаш керакки, арабнавис муаллифлар томонидан келтирилган номлар ўз маъноси жиҳатидан шаҳарни бино қилган туб аҳоли ҳамда четдан келган ажнабийлар томонидан берилган икки турдаги номлардир. Жумладан Бухоронинг «Мадинат ус-суфрия», «Мадинат ут-тужжор» ва «Фохира» каби атамалари араблар томонидан берилган номлар бўлиб, улардан биринчиси «Мис шаҳар», иккинчиси «Савдогарлар шаҳри», учинчиси эса «Фахрли шаҳар» деган маъноларни англатади.

Бухоро шаҳри қалъа деворлари мудофаа жиҳатдан ниҳоятда мустаҳкам қилиб қурилганлиги туфайли, у «мисдан қуйилган қўрғон» ёки «мисдан ясалган истеҳком»га рамзий қиёс қилиниб, унга «Мис шаҳар» маъносини англатувчи «Мадинат ус-суфрия» атамаси берилган. Шунингдек, Бухоронинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Хитой ва Ҳиндистон билан боғлаган машҳур «Буюк ипак йўли» устида жонлашгани, аҳолисининг кўнчилик қисми савдогарлардан бўлиб, бу карвон йўли орқали халқаро савдода фаол қатнашгани сабабли шаҳар «Мадинат ут-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» деган сифатлари билан ҳам шуҳрат топган. «Фохира» атамаси эса, Муҳаммад Наршахийнинг тафсилоти бўйича, унга ислом динининг барқарорлиги йўлидаги шаҳидлар шарофатига нисбат қилиб берилган атамадир.

Нумижкат, Бумискат ва Бухоро шаҳарга берилган маҳаллий атамалардан ҳисобланади. Бу номларнинг биринчиси аслида Навмичкат бўлиб, у учта форс-тожикча «нав» — янги, «мич» — қалъа, истеҳком ва «кат» — қишлоқ каби сўзлар бирикмасидан ташкил топган. У «Янги қалъа», «Янги қўрғон» ва «Янги истеҳкомли қишлоқ» маъноларини англатган. Хитой манбаларида келтирилган «Нюми» атамаси эса «навмич»

сўзидан олиниб, унинг хитойча талаффузидан келиб чиққан. Бу атама ҳам «Янги қалъа» маъносини англатади.

Навмишкат атамасида «янги» маъносини англатувчи «нав» сўзининг қўшилиб ёзилшига қараганда, «Нумишкат ва Бумишкат» шаҳар қалъаси қайта қурилгандан сўнг унга янгидан берилган сўнги номлар бўлиши мумкин. У вақтда шаҳар қалъасининг кўҳна номлари ҳам бўлган бўлса керак. Бухоро урбанимларидан маълум бўлишича, шаҳар кўҳна қалъаларидан бирининг номи «Фаровиз» деб юритилган. Бу атама Бухоро бўзчи ва қосибларининг пири Бобоийи Порадўз мақбараси ҳамда Шаҳруд каналининг шохобчаларидан бири «Фаровиз ус-Суфло» номлари орқали бизгача етиб келган. Аслида кўҳна қалъанинг номи «Фаробдиз» бўлиб, у суғдийча «Фароб» — сув бўйи ва «диз» — қалъа сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлиб, «сув ёки дарё бўйидаги қалъа» маъносини англатади.

Муҳаммад Наршахий шаҳарнинг турли хил атамаларини тилга олар экан «Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан ҳам машҳурроқдир» деб ёзади. Чунки бу ном билан ҳам ўлка, ҳам унда қад кўтарган шаҳар шуҳрат топган.

Бухоро этимологиясини академик В. В. Бартольд санскритча «вихара», яъни «ибодатхона» сўзи билан боғлайди. Фикримизча, у суғдийча бўлиб «Бугоро», яъни «тангри жамоли» деган маънони англатади. Бундай талқин шубҳасиз, Наршахийнинг Бухоро воҳасининг қадимги табиати тўғрисидаги тафсилотига ҳамоҳанг бўлиб, археологик қазинмалар вақтида кавлаб очилган осори атиқаларда ҳам ўз аксини топган.

Демак, Бухоро шаҳри қадимда Зарафшоннинг қуйи тармоғи Зарируд бўйида учта қалъа шаклида пайдо бўлган.

Бу қалъалардан энг қадимгиси Фаробдиз, иккинчиси Бухоро ва учинчиси Навмишкат номлари билан юритилган. Кейинчалик бу уч қалъа бир-бири билан қўшилиб кетган.

Аҳолининг сони кўпайган сари шаҳар ҳам кенгайиб борган. Шаҳарнинг кейинчалик обод бўлган қисмининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида IX асрда Бухоро қадимги учта қисмини ҳам ўз ичига олган ягона ташқи девор ҳалқаси билан ўраб олинган. Асрлар ўтиши билан шаҳар ҳудуди янада кенгайган. Унинг атрофида, шаҳар девори ташқарисида янги маҳалла ва гузарлар қад кўтарган. XV—XVI асрларда эса яна янги жой-

ларни ўраб ўтган учинчи ташқи девор ҳалқаси бино қилинган. Бу даврда шаҳарга II-дарвозадан кирилган. Бу дарвозаларнинг бири орқали Самарқандга, иккинчиси — Хоразмга, учинчиси — Хуросон ва Эронга; тўртинчиси — Қарши ва Термизга томон йўл кетган бўлса, қолганлари Бухорони атрофдаги қишлоқ ва ноҳиялар билан боғлаган. Шаҳар ичидаги кўчалар тор-танқис бўлиб, уйлари жуда зич жойлашган. Шаҳар 12 га маҳалла ва 220 та гузарга бўлинган. Ҳар бир маҳалланинг оқсоқоли, гузарда эса унинг пойкори — элликбошиси бўлган. Ҳар бир маҳалланинг алоҳида мазори бўлгани каби ҳар бир гузарнинг ҳам алоҳида мечити бўлган. Шаҳар юздан ортиқ ҳовузлар орқали сув билан таъминланган. Ҳовузлар шаҳарнинг магистраль канали — Шаҳруд ва унинг шоҳобчалари ҳамда кўнлаб ер ости сув иншоотлари — тазарлар орқали ойда бир ёки икки марта сувга тўлғазилган. Маҳсус сувчи — мешкоблар хонадонлар, айниқса аркдаги аёнларнинг эҳтиёжи учун кун бўйи мешларда сув ташиганлар. Ёз ойларида кўпинча Шаҳрудда сув бўлмай, ҳовузлардаги сув янгиланмай, кўкариб айниб кетган, Бундай вақтларда ҳовузлар турли хил касалликлар (безгак, ришта ва ҳоказо) манбаига айланган. Шаҳарда 20 га яқин ҳаммом ва бирқанча усти ёнилган раста ва тимлар қишу ёз ишлаб турган. Турли даврларда қурилган 200 га яқин мадрасаларда минглаб талабалар илм олган.

* * *

Бухоронинг асрий қиёфаси Совет даврида айниқса ўзгарди. Шаҳар тўла электрлаштирилди ва газлаштирилди. Эски шаҳарнинг ёнгинасида кўп қаватли улкан микрорайон қад кўтарди. Йирик саноат корхоналаридан Қоракўл заводи, Зардўзлик фабрикаси, Ип-газлама комбинати — ХБК ва бошқа кўнгина корхоналар қурилиб ишга туширилди. Советлар уйи, Маданият саройи, Бухоро меҳмонхонаси, Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро давлат педагогика институтининг бинолар комплекси каби кўнлаб замонавий бинолар ҳозирги кунда шаҳар қиёфасига кўрк бериб турибди. Шаҳардаги уч олий ўқув юртида минглаб талабалар ўқимоқда. Унда марказий кутубхона, тарих ва ўлкашунослик музейи, драма театри, кўнлаб кинотеатр ва клублар ишлаб турибди.

Бухоро кейинги йилларда қанчалик обод бўла бор-

ган сари тарихий обидаларнинг жозибаси тобора ошиб бормоқда. Чунки у узоқ ўтмишнинг ноёб гувоҳи сифатида нодир архитектура ёдгорликларини ўз бағрида сақлаб келаётган тарихий шаҳардир. Исмоил Сомоний мақбараси (X аср), Минораи Калон (XII аср), Чашмайи Аюб (XIII—XIV аср), Тоқи Заргарон, Тоқи телпақфурушон, Тоқи Саррафон ансамбллари (XVI аср), Арк (милоддан аввалги IV—III аср — XX аср боши), айниқса Лабиховуз майдонидаги меъморий обидалар комплекси (XVI—XVII аср) ўз даврида Бухоронинг довруғини жаҳонга таратган. Шунинг учун ҳам улар ҳозирги кунда минглаб саёҳатчиларнинг диққат-эътиборини жалб этмоқда. Бухоро мамлакатимизнинг асосий туристик шаҳарларидан бирига айланди. Бухоро шаҳридаги тарихий ёдгорликларни сақлаш ва уларни таъмир эттиришига катта аҳамият берилмоқда.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Амударёга қуйилган қадимий Зарафшон	9
Қуйи Зарафшон водийсида ибтидий маданият излари.	12
Каттатузконнинг неолит даври овчи ва балиқчилари. Дарво- зақирликлар чайласи.	14
Учтут кончилари ва сўнгги тош даври шахтаси.	18
Сармишсойнинг қадимий сувраткаш овчилари.	20
Замонбоболик бободехқонлар маскани	22
Қоракўлнинг ибтидий чорвадорлари.	27
Қумработда қазиб очилган энг қадимги қишлоқ.	30
Қадимги Бухоро қачон қад кўтарди?	34
Бухоро ёши Зулқарнайн тенгдоши.	38
Бухоронинг қадимги номлари.	46